
Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 83 (5674).
9 АПРЕЛЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига



ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Тошкент асбобсозлик заводида кўплаб меҳнат илғорлари ишлашади. Уларнинг ҳар бири умумий ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилишмоқда. Шу кунларда корхонада Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олдирилаяпти.

Меҳнат илғори — 10-цех ишчиси Баҳодир Пўлатов ҳар кунги смена нормасини бир ярим баравар қилиб бажарибгина келмоқда. Шу билан бирга у тайёрлаётган маҳсулотлар доимо сифатли бўлаётир. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, ўз касбининг устаси бўлиш тўғрисидаги мунтазам меҳнатда юқори натижаларга эришиш мумкинлигини комсомол аъзоси яхши билади.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашаётган илғор ишчи ўз меҳнат ютуқларини Москвада бўладиган XII Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига бағишламоқда.

СУРАТДА: илғор ишчи Б. Пўлатов.

М. С. ГОРБАЧЕВ

„Правда“ газетасининг редактори билан суҳбатлашди

Савол: Газетамиз совет кишиларидан ҳам, чет эллардан ҳам халқаро ишлар хусусида кўп хат олмоқда. Михаил Сергеевич, сиз халқаро вазиятни қандай таърифлайсиз?

Жавоб: Одамларнинг халқаро ишларга қизиқиши ортиб бораётганлиги сабабини тушуниб турибман. Ҳамма қитъалардаги кенг халқ оммаси ҳозирги дунёнинг тақдирига актив таъсир қилишга интилмоқда.

Бу — тасодифий ҳол эмас. Дунёда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам социал характердаги мураккаб проблемалар жуда кўп. Бир-бирига зид бўлган икки ижтимоий система — социализм ва капитализм реал равишда яшаб турибди. Халқаро майдонда ўз тарихига, анъаналарига, ўз манфаатларига эга бўлган ўнлаб янги давлатлар актив иш кўрмоқда. Бу ҳам реалликдир.

Ҳозирги дунёда халқаро муносабатларни қуришда буни эътиборга олмасдан бўлмайди, бошқа давлатларнинг манфаатларини назардан четда қолдириб бўлмайди, айниқса уларни ўз ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқидан маҳрум этишга уринib бўлмайди. Кенг маънода олганда тинч-тотув яшаш сиёсати ҳам мана шундан иборат, тинч-тотув яшаш шароитида ҳар бир система ўзининг нақадар яхшилигини қурол кучи билан эмас, балки намуна кучи билан исботлайди.

Худди шундай яна бир актуал хулоса — қуролланиш пойгасини тўхтатиш зарурлигидир. Халқаро вазиятнинг ривожи ҳозир шундай маррага етиб келдики, энди: ҳўш, бундан буён қаёққа қараб бориш керак, давлатларнинг сиёсатини белгиловчи арбоблар бир дам, тўхтаб, ўйлаб кўрадиган ва дунёни ядро ҳалокати сари судровчи қарорлар қабул этилишига йўл қўймайдиган пайт келмадимикан? — деган савол пайдо бўлмоқда.

Мулоқотни йўлга қўйиш да, дунёдаги кескинликни юмшатадиган, қуролланиш пойгасининг йўлини тўсишга кўмаклашадиган реалистик қарорларга келиш йўлларини қидиришда халқаро ҳамкорлик қилиш эҳтиёжи ўткир бўлиб турибди.

Бу ишда катта ва кичик ҳамма давлатлар қатнашишлари керак. Ядровий давлатлар ва аввало Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари алоҳида роль ўйнашлари лозимлиги равшан.

Бизнинг мамлакатимиз тинчликни мустаҳкамлаш йўлида актив ва амалий ташқи сиёсат ўтказиб келди ва бундан буён ҳам шу сиёсатни ўтказаверади. Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида тасдиқланди, унда Совет давлатининг ташқи сиёсий принциплари баён этиб берилди.

Савол: Дунёдаги кўп ишлар Совет — Америка муносабатларининг ҳолати билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда. Сизнинг фикрингизча, бу муносабатларни яхшилик сари ўзгартириш имкониятлари пайдо бўлдими?

Жавоб: СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар — халқаро сиёсатнинг ғоят муҳим омилидир. Аммо биз дунёга асло фақат шу муносабатлар таъсири остидагина қарамаймиз. Биз бошқа мамлакатларнинг халқаро ишлардаги салмоғи қандайлигини тушунамиз, дунёдаги умумий вазиятни баҳолашда шуни эътиборга оламиз.

Ҳозир Совет — Америка муносабатларида яхшилик сари ўзгариш борми? Бу саволга жўн жавоб бериб бўлмайди. Умид қилиш учун баъзи нишоналар бўлса ҳам, аммо ҳамон ташвиш туғдирадиган бир талай ва ҳатто кўп сабаблар бор.

Женевада ядро ва космик қуроллар юзасидан янги Совет — Америка музокаралари бошланди. Бу — ижобий факт, биз АҚШ билан биргаликда музокараларнинг мавзуи ва мақсадларини белгилаб олдик, қисқа қилиб айтганда бу мавзу ва мақсадларни: космосда қуролланиш пойгасини бошламаслик, ердаги шундай пойгани тўхтатиш, ядро қуролларини тубдан қисқартиришга киришиш, бу қуролларни батамом йўқ қилиб ташлашни пировард мақсад қилиб олиш деган маънода белгиладик.

Энди шу аҳдномани рўёбга чиқариш керак. Бу — муҳим музокаралардир. Бу ҳақда гапираётганимнинг боиси аввало шундан иборатки, ҳозир Совет — Америка муносабатларининг ривожи ва умуман дунёдаги ривожланиш энди қай йўлдан бориши ҳал этилмоқда. Икки йўлдан бирини танлаб олиш керак, ё ҳамма жабҳалар бўйлаб қуролланиш пойгаси, уруш хавфининг кучайиши давом эттирилади ёки ялпи хавфсизлик мустаҳкамланади, ҳамма учун янада мустаҳкам тинчлик таъминланади.

Совет — Америка муносабатларининг бошқа соҳаларида бирмунча силжишлар бўлса ҳам, бироқ булар жуда оз силжишлардир. Умуман муносабатлар кескинлигича турибди.

Вашингтондагилар кучга умид боғламоқдалар, буни яшираётганларни ҳам йўқ. Боғлаганда ҳам дунёнинг қолган қисмини Америкага бўйсундираётган устун кучга умид боғламоқдалар. У ерда дипломатия ва музокаралар ракета ва бомбардимончи самолётларга тобе қилиб қўйилган. Женевада АҚШ номидан музокаралар ўтказаётган кишилар ҳам стратегик қуролларнинг янги программаларини конгрессда тасдиқлатиб олишга интилаётганликлари факт-ку, ахир.

АҚШ маъмурияти эълон қилган «самовий урушлар» режалари ҳақида ҳамма кўп нарса эшитган. Бу ибора гўё илмий фантастикадан олинган, заминимизга қилинаётган реал, даҳшатли хавф-хатарни шу билан ниқоблашга уринмоқдалар. Космосни ҳарбийлаштиришни асослаш учун кўрсатилаётган важларни мен ривоят деган бўлур эдим. Мудофаа ҳақида гапириб, ҳужумга тайёргарлик кўрмоқдалар, космик қалқонни кўз-кўз қилиб, аслида космик қилични қайрамоқдалар, ядро қуролини тугатишни ваъда қилиб, амалда бу қуролни кўпайтирмоқдалар, такомиллаштирмоқдалар. Дунёда барқарорлик ўрнатмоқчимиз, деб айтмоқдалару, аммо ҳарбий мувозанатни бузишга интилмоқдалар.

Одамлар «самовий урушлар» режаларининг хавфини жуда яхши ҳис этаётганликлари сабабли бу режаларни тузган кимсалар гўё гап беозор илмий изланишлар ҳақида бормоқда, бу изланишлар гўё технология соҳасида наф келтиради, деган гапга ишонишга мажбур қилмоқчи бўладилар. Шу тузоқни ишга солиб, ўз иттифоқчиларини ҳам хатарли машмашада қатнаштиришни кўзламоқдалар.

Ҳатто космик қуролни вужудга келтириш орқали гўё ядро қуролини тугатишга эришиш мумкин, деб даъво қилмоқдалар. Бу — алдамчилик усули. Ядро қуролининг пайдо бўлиши оддий турдаги қуролни тугатмай, балки ҳам ядровий, ҳам оддий қуроллар билан қуролланиш пойгасини жадаллаштиришгагина олиб борганини каби космик қуролнинг вужудга келтирилиши ҳам бир нарсага олиб боришни мумкин — қуролланиш пойгаси янада жадаллашади, янги-янги соҳаларни ўз ичига олади.

Мен Совет — Америка муносабатларини биринчи галда чигаллаштираётган, вақти-вақти билан бу муносабатларни қалтис кескинлик ёқасига олиб бориб қўяётган жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатдим. АҚШдаги баъзи кимсалар бу ҳолатни нормал бир ҳолат деб билиб, мухолифликни сал бўлмаса табиий аҳвол деб ҳисоблаётганга ўхшайдилар.

Биз бундай деб ҳисобламаймиз. Мухолифлик — муносабатларимизнинг турма иллати эмас. Менимча бу — нонормал ҳолат. Бу ҳолат сақланиши асло муқаррар эмас. Биз Совет — Америка муносабатларини яхшилашни жуда зарур ишгина эмас, шу билан бирга имкони бўлган иш деб ҳам ҳисоблаймиз. Ўзаро ҳоҳиш бўлмаса, бунга эришиб бўлмайди, албатта.

Савол: Сизнинг АҚШ президенти билан учрашишингиз эҳтимоли тўғрисидаги масала катта қизиқиш туғдирмоқда. Бунда қандай истиқболлар бор?

Жавоб: Бундай учрашув тўғрисидаги масала президент Рейган билан ёзишмамизда тилга олинган эди. Иккала томон учрашув бўлиши хусусида ижобий фикр билдирди, деб айта оламан. Уни ўтказиш муддати ва жойи келгусида келишиб олинади.

Ёзишмада СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилашга эришишнинг, бу муносабатларга бир мунча барқарор ва амалий характер бахш этишга эришишнинг биргаликдаги йўлларини топиш ҳақида кенгроқ миқёсда гап юритилган эди. Шунга аминманки, юксак сиёсий даражадаги Совет — Америка муносабатларига жиддий омил бахш этилиши талаб қилинади. Биз СССР ва АҚШ сиёсатининг йўллари душманлик ва ўзаро қурашга эмас, балки ҳамжиҳатлик йўлларини излашга, тинч ривожланишга қаратилганлигини ҳамма — халқларимиз, бошқа мамлакатлар кўриб турадиган тарзда иш олиб боришни АҚШ ҳукуматига таклиф қиламиз.

Савол: Михаил Сергеевич, кенг жабҳа бўйлаб ҳаракат қилиш лозимлиги сиз айтган гаплардан кўринib турибди. Шундай бўлса ҳам, сиз жиддийроқ бурилиш учун нималарни асосий восита деб ҳисоблайсиз?

Жавоб: Ўзаро жадал куч-ғайрат сарфлашни шундай восита деб ҳисоблайман. Сарфлаганда ҳам дарҳақиқат кенг жабҳа бўйлаб куч-ғайрат сарфламоқ керак. Дунёдаги низоли вазиятларни бартараф этишга кўмаклашиш зарурлиги хусусидаги ўзаро ҳамжиҳатлик икки ўртадаги муносабатларга ва халқаро муносабатларга хайрли таъсир қилган бўлур эди. СССР билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда иккала мамлакатга фойдали тарзда ҳам кўп иш қилиш мумкин.

Бинобарин, сиз асосий восита деб тилга олган нарсаларнинг ҳаммаси хавфсизлик соҳасига киради. Бу ишни конкрет равишда нимадан бошламоқ керак?

Модомики, қурол-яроғларни қисқартириш ҳақида келишиб олиш учун стол атрофига тўпланилган экан, лоақал бу қурол-яроғларни кўпайтирмай туриш керак. Шу сабабли биз СССР билан АҚШ музокаралар ўтказилаётган бутун давр мобайнида зарбдор космик қуролларни яратишни, шу жумладан бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини, шу қуролларни синаш ва жойлаштиришни тўхтатиб туришларини, ўзларининг стратегик ҳужум қуролларини кўпайтирмасликларини таклиф қиламиз. Айни бир вақтда Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштириш ва шунга мувофиқ равишда, бизнинг жавоб чораларимизни қучайтириш тўхтатилиши керак.

Америка раҳбарлари қурол-яроғларни тубдан қисқартириш тарафдори эканликларини айтмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, аввал қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва дарҳол уларни қисқартиришга ўтиш мантиқий иш бўлур эди.

Биз — ҳалол мулоқот тарафдоримиз. Ўзимизнинг холис ниятимизни яна намойиш этишга тайёрмиз. Шу кундан эътиборан Совет Иттифоқи Европада ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиб қўйишини, бошқа жавоб чораларини амалга оширишни тўхтатишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўртача олисликка учириладиган ракеталаримизни жойлаштиришни тўхтатиш ҳақидаги қароримиз шу йилнинг ноябригача амал қилади. Шундан кейин биз қандай қарорга келишимиз АҚШнинг биздан намуна олиши ёки олмаслигига: у Европада ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштиришни тўхтатиб қўйиши ёки тўхтатмаслигига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб шундай демоқчиман. Совет — Америка муносабатларини яхшилаш учун, умумий халқаро вазиятни соғломлаштириш учун имкониятлар бор. Бу имкониятларни қўлдан чиқармаслик керак. Бу имкониятларни конкрет сиёсат, амалий қарорлар йўлига солиб юбориш лозим.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ОЛИБ

«Таштрансспецстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган А. Мадаминов ва Н. Огнев бошлиқ бригадалар Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қадар ярим йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар.

Зарбдор ҳафталикларни юксак натижалар билан якунлаётган икки мусобақадош коллектив айни пайтда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида бунёд этилаётган 14 қаватли «Узмежколхозстрой» биноси қурилишида тер тўкмоқда. А. Мадаминов бригадаси йўлакларга асфальт ётқизмоқда. Н. Огнёв бошлиқ қурувчилар эса канализация ишларини ниҳоясига етказяпти.

Куни кеча объект бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. Ўз имкониятларини чамалаб чиққан мусобақадош бригадалар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига яна оширилган социалистик мажбурият олдилар. Улар бу санагача 1985 йил планини бажарадилар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

К. Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг коллективи 20 апрелда бўладиган ленинча коммунистик шанбаликка зарур материаллар, ёқилғи ва бошқа эҳтиёжларни шайлаб қўйди. Заводнинг 7000 ишчи ва хизматчиси шанбаликда ўз иш жойини эгаллайди. Машинасозлар 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришади. Шундан 10 минг сўмлиги кенг истеъмол моллариди. 10 минг сўм беш йиллик фондига ўтказилади.

Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилади. 2 минг туп ниҳол, бута, гул кўчатлари ўтказилади. Бир километр узунликдаги ариқлар тозаланади.

●

«Ўзбектекстильмаш» бирлашмасида деталларга аниқ ишлов берадиган янги такомиллашган ускуна ишга тушди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошади, металл қирқиш асбобини созлашга сарфланадиган вақт қисқаради. Янгиликни тадбиқ этишдан йилига 15 минг сўм иқтисодий фойда олинади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совет 11 да Тошкентда 16 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 9—11, эртага кундузи 21—23 даража иссиқ бўлади.

КАДРЛАР—ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИКНИНГ БОШ ЗВЕНОСИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг X пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

8 апрелда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг X пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Х. Асқаров, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери С. И. Иванова, Акмал Икромов район партия комитетининг иккинчи секретари В. Д. Ардатов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. Р. Шоабдураҳимов, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети партия комитетининг секретари В. В. Скворцов, 243-граждан авиацияси заводининг мастери Е. Е. Котов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Б. Бобоев, «Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатининг бошлиғи Э. Р. Рустамов иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ишда хатоларга йўл қўйганликлари учун С. Р. Одилов, В. О. Қозимов, Ф. Қ. Фозилов шаҳар партия комитети составидан чиқарилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими Б. В. Ефремов иштирок этди.

Барча совет кишилари сингари Тошкент коммунистлари, меҳнаткашлари, деб таъкидлади ўртоқ У. У. Умаров, партия сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, ленинчи Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси теварагига ўз сафларини жипслаштирмоқдалар. КПСС XXVII съездига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Съездга тайёргарлик кўришда экономикани интенсивлаш йўлига ўтказиш, совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда ҳал қилувчи бурилиш ясашга эришиш борасида КПСС Марказий Комитети берган кўрсатмалар бош йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари бизни ана шунга даъват этади. Бўлиб ўтган март Пленуми партия сиёсатининг мустаҳкам давомийлигини намойиш қилиб, коммунистларнинг ролини янада оширишни талаб этди, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида кадрларга янги талаблар қўйди.

Бунда КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси кадрлар билан ишлашни шунчаки яхшилаш масаласини эмас, балки ривожланаётган социализмнинг ҳозирги шарт-шароитларига мувофиқ суратда кадрларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялашнинг бутун системасида ўзгариш қилиш, уларнинг фаоллияти устидан назоратни кучайтириш масаласини қўйди.

КПСС Марказий Комитети талаблари асосида кадрлар билан ишлашнинг ленинча услубий қарор топтириш бўйича қўйилган ана шу актуал масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми ишининг асосий мазмунини ташкил этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ўтган вақт ичида шаҳар партия ташкилотида меҳнат ва ижтимоий ҳаётдаги ахлоқий-психологик муҳитни соғломлаштириш учун кураш, социал адолат принципларига сўзсиз риоя қилиш, салбий ҳолларга, коммунистик ахлоқ норма ва принципларидан чекиниш ва уни қўпол суратда бузиш ҳолларига барҳам бериш кучайди.

Шаҳар партия комитети аъзолари билишадики, олтита район партия комитетининг секретарлари, еттита район Совети ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарлари, 42 та корхона ва қурилишларнинг раҳбарлари ишдан озод этилди, уларнинг кўпчилиги КПСС Уставини бузишга йўл қўйганлиги, коммунист деган номга доғ туширадиган ҳатти-ҳаракатлари учун ишдан олинди. Улар орасида Сергели район партия комитетининг собиқ иккинчи секретари Х. Р. Абдуллаева, Ҳамза район партия комитетининг собиқ иккинчи секретари Г. Г. Внучков, Акмал Икромов район партия комитетининг собиқ секретари Д. Ш. Низомова бор.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловларда Чилонзор район Совети ижроия комитетининг собиқ раиси Н. А. Деҳқонхўжаев, Куйбишев район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари И. А. Баҳромов, Фрунзе район Совети ижроия комитетининг секретари И. А. Грубэ, қурилиш банки шаҳар бўлимининг бошлиғи А. Маркаевлар депутатликка номзодликка тавсия этилмади.

Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш, уларни тайёрлаш ва тарбиялашда партия ташкилотларининг партия комитетлари ва партия бюролари, меҳнат коллективларининг ролини ошириш борасида шаҳар ва район партия комитетларининг номенклатураси тартибга солинди. Кадрлар билан ишлашда демократик формалар: тавсия этилганлар ва ишга кўтарилаётганларни партия йиғилишларида, меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этиш иш практикасидан жой олди.

XVI пленумдан кейин ўтган вақт ичида шу метод билан юздан зиёд номенклатура ходими ишга кўтарилди. Раҳбар ходимларнинг характеристикалари қурилиш ташкилотлари, савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳалари партия комитетларининг мажлисларида, партия йиғилишларида муҳокама этилиши уларнинг кўпларига ишда йўл қўйилган нуқсонларга ўз вақтида барҳам бериш, хатоларнинг олдини олиш, интизом ва ахлоқий савияни жиддий кўтаришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва шаҳар партия комитетининг VI пленуми қарорларини бажариш тўғрисида гап борганда, шуни тан олишимиз керакки, бу борада ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ўтказишда кўпгина ҳолларда зарур қатъият, изчиллик, дадиллик етишмаётир. Бир қатор бош йўналишларда кадр ишидаги камчиликлар жиддий хато ва нуқсонларга олиб келмоқдаки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми ва Тошкент область партия комитетининг VIII пленумида бу бизга ҳаққоний кўрсатиб ўтилган эди.

Кадрлар билан олиб бориладиган барча ишларнинг бош мақсади ва пировард натижаси партиянинг социал-иқтисодий режаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳисобланади.

Афсуски, таҳлилнинг кўрсатишича, бу борада биз ҳали кўп нарсага эриша олмадик. Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бу йилнинг биринчи кварталини ҳам кўшган ҳолда бизда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари пасайиб бормоқда, фонд самарадорлиги амалда ўсмаётир.

Халқ хўжалиги планларини уддалай олмаётган корхоналар сони ҳамон кўп ва камаймаяпти. Бунинг устига шартнома мажбуриятлари бўйича буюмлар етказиб бериш кўрсаткичи ёмонлашиб кетди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича план бажарилмади. Бу жиддий нуқсонлар шуни кўрсатиб турибдики, кишилар билан, кадрлар билан, бошланғич партия ташкилотлари билан иш олиб боришда, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича зарур ўзгаришлар бўлмаётир.

1-пойафзал фабрикаси (директори С. Аюпов), 1-ғишт заводлари бошқармаси (директори С. Р. Муҳамедов), Тошкент химия фармацевтика заводи (директори Э. Н. Шевченко), «Ташхимсельмаш» заводи (директори В. К. Моксяков), планлар ва энг муҳим кўрсаткичларни муттасил уддалай олмаяпти.

Бу корхоналарда, шунингдек, экскаватор ремонти заводида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида, экскаватор заводида, Тошкент маҳаллий саноат бошқармаси корхоналарида раҳбарлар давр нафасини сезишмаётир, реконструкциялаш, техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш билан шуғулланишмаётир, иш истиқболини кўзда тутган ҳолда олиб борилмаётир. Бу ва бошқа бир қатор корхоналарда бошқарувнинг ўрта звеносини кадрлари, фабрика директорлари, цех, участкаларнинг бошлиқлари, мастерлар, бўлимларнинг раҳбарлари билан ишлашни анча яхшилаш талаб этилади, яъни эски кадрлар билан бирга, уларнинг ворисийлигини сақлаган ҳолда қобилиятли, лаёқатли ёшларни дадил, қатъият билан ишга кўтариш, уларнинг куч-ғайратларини ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишига оқилона сафарбар этмоқ керак.

(Давоми 2-, 3-бетларда).

КАДРЛАР—ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИКНИНГ БОШ ЗВЕНОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шу проблемалар, бизнингча, партия ташкилотларимиз олиб бораётган ишларнинг марказида турмоғи керак. Афсуски, XVI пленумдан сўнг ўтган вақт ичида район партия комитетларининг бюролари, пленумларида ҳамда кўпчилик бошланғич партия ташкилотларида бу проблемалар Марказий Комитетнинг ҳозирги кўрсатмалари асосида, аниқ мақсадга қаратилиб конкрет муҳокама қилинмади. Бундан ташқари, қобилиятли кишиларни танқидий жиҳатдан ўрганиб ҳолисона танлаш, уларнинг ўсишига эътибор бериб, ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш, рўй берган қийинчиликларни енгишида ёрдам кўрсатиш ўрнига бу партия комитетлари ва шаҳар партия комитетининг саноат, транспорт ва алоқа бўлими (А. В. Попов) коллективлардаги иш аҳволи учун раҳбарларга талабчанликни пасайтириб юбордилар, уларнинг икир-чикир ишлари билан ўралашиб қолмоқдалар.

Кейинги вақтларда пленумларда, йиғилишларда, матбуотда капитал қурилишдаги нуқсонларни кўп ва жиддий муҳокама этяпмиз, меҳнаткашлар бу ҳақда ҳаққоний ёзмоқдалар. Икки йил муқаддам турар жой, мактабгача тарбия болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш, алоқани ривожлантириш, объектларни ишга тушириш ҳажмини пасайтириб юборган эдик, ҳозир ҳам биз бу борада бир жойда туриб қоляпмиз. Ҳолбуки, бу ҳол қурилиш ҳажми ўсиб бораётган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати ёрдами туфайли қурилиш материаллари, ускуналар, механизмлар етказиб бериш, ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш учун воситалар бизга кўпайтириб берилган бир вазиятда бўлмоқда.

XVI пленумдан кейин қурилаётган уй-жойлар сифати шубҳасиз яхшиланмоқда.

Шу билан бирга, «Главташкентстрой» (Т. Н. Набиев), унинг бўлинмалари, «Ташпромстрой» бирлашмаси (М. Н. Абдуллаев), 4-трест (А. А. Абдужабборов), «Минмонтажспецстрой» (министр ўринбосари А. И. Клеблеев) ташкилотлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кўпгина лойиҳалаш ташкилотлари, Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси, капитал қурилиш Бош бошқармаси фаолиятида шаҳримизнинг улкан ва мураккаб социал проблемаларини ҳал этиш йўлидаги катта жиддий нуқсонлар мавжуд.

Шаҳар партия комитетининг бюроси шаҳардаги барча уйсозлик комбинатлари куч-ғайратини бирлаштирган ҳолда ихтисослаштириб, индустриал асосдаги қурилиш жиҳозларининг ягона унификацияланган каталогини жорий этиш асосида турар жой қурилиши, социал, маданий-маиший объектлар комплекси ҳажмини кескин кўпайтириш ва турар жойлар сифатини ошириш проблемаси юзасидан ўзининг принципиал фикрини бир неча бор айтган эди.

Бироқ, бу социал проблеманинг бутун жиддийлигини тушуниб етмаслик, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг коммунист-раҳбарлари В. Н. Колесников, В. Е. Зак, Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасидан Л. Т. Адамов, «Главташкентстрой»дан Шахназаров, Стасшис, лойиҳалаш институтларидан Асомов, Иброҳимов, Шахсўварянларга бу программанинг бажарилиши устидан талабчанлик ва назорат бўшаштирилганлиги шунга олиб келдики, кўпгина кўрсатмалар шунча вақт ўтганига қарамай бажарилмасдан қолди.

Уйсозлик комбинатларида реконструкциялаш ва ишлаб чиқаришга тайёргарлик чўзилмоқда. Ҳали унчалик тугалланмаган лойиҳаларни энг яхши иш қилиб кўрсатишга интилишяпти. Коммунист Т. Н. Набиев ҳажмли-блокли уйсозлик комбинатининг фойдаланишга топширилиш муддатларини кўп марталаб айтди. Лекин ҳар гал ҳам бажарилмади.

Бу мисоллар шуни яққол кўрсатадики, ҳатто раҳбарликнинг ана шу даражасида бизда сўз ва иш бирлигининг йўқлиги инерция кучи, ижодий, қизғин ишни йўлга қўя олмаслик, резервлар ва имкониятларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар эта билмаслик яқин икки йил ичида йилига 1,5 миллион квадрат метрдан уй-жой қурилишига эришмоқ учун истиқболни кўзлаб ишлай олмаслик яққол кўзга ташланади.

Худди шундай гапларни шаҳарни иссиқлик билан таъминлаш бўйича йирик муаммолар билан машғул бўлган кадрларимиз ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чамаси, бугун коммунистлар И. Н. Эргашев — «Узбекгидроэнергострой» трести, П. Г. Саркисов — «Висотстрой» трести, Ю. В. Уваров — Қурилиш министрлигининг 6-трести, Л. А. Костин — «Таштеплокоммунэнерго», Г. М. Толмачёв — Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, У. С. Ҳошимов — «Таштеплоцентраль», Б. И. Бекмирзаев — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси ўринбосарининг эътиборини улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шаҳарни иссиқлик билан таъминлаш бўйича маълум қарорини бажариш борасида очиқдан-очиқ интизомсизлик қилаётганликларига қаратмоқ тўғри бўлур эди. Ўтган йили топширилган объектларда эса катта ва жиддий камчиликлар бор.

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам кишилар билан ишлашга етарли баҳо бермаслик жиддий нуқсонларга олиб келади. Афтидан, ушбу пленум шаҳар партия комитети бюросига, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига бу коммунистлар билан, улар ҳисобда турган бошланғич партия ташкилотларидаги ташкилий, сиёсий ишнинг аҳволи билан жиддий шуғулланишни топширса тўғри бўлур эди.

Бинобарин, шаҳар партия комитетининг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири (К. Н. Тўлаганов) талабчанлик муҳитини мустаҳкамлашлари, бебошлик фактларига муросасиз бўлишлари, интизомни мустаҳкамлаш учун қатъият билан курашмоқлари керак бўлади.

Бизга жуда яхши маълумки, қурувчиларнинг катта отряди орасида бажарилаётган ишга, унинг сифатига, ижро муддатларига, социалистик мулк сақланишига эътиборсизлик, лоқайдлик, баъзан эса совуққонлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари бўляпти.

КПСС Марказий Комитетининг Қурувчи-бригадирларнинг «Правда» газетасига йўллаган «Қурувчилик шарафи ҳақида сўз» хати тўғрисидаги қарори асосида барча ташкилий, оммавий-сиёсий ишларга, партия ва ҳукуматнинг директиваларини бажарилишини назорат қилишга янгича руҳ, ишчанлик билан муносабатда бўлиш лозим. Бу ишга коммунистлар, бошланғич партия ташкилотлари бошчилик қилишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин айрим ўзгаришлар бўлганига қарамай, шаҳар пассажир транспорти иши яхшиланиши зарурлиги тўғрисида меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазалари, хатлари, илтимослари камаймаяпти. Бу ерда раҳбарлар ва айрим коллективларнинг ишида зарур бурилиш бошлангани йўқ.

Коммунистлар Ш. Р. Шоабдураҳимов, В. П. Загуменнов, Ж. А. Шораҳмедов, шунингдек, бу коммунистлар учётда турган Ленин район партия комитети (Ю. А. Асепков), Октябрь район партия комитети (О. Х. Асқаров) танқиддан ҳануз зарур хулосалар чиқариб олишмади. Улар қисқа муддатларда ишдаги аҳволни яхшиламоқлари шарт. Албатта, бу чоралар энг аввало интизомни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш, барча ходимларга юқори унумли ва бенуқсон ишлаш учун шарт-шароит яратиш характерида бўлиши керак.

Давлат, план ва меҳнат интизомининг янада мустаҳкамланиши жамиятимизни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бугунги кунда КПСС Марказий Комитети яна социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича мавжуд қарорларининг талабларини бажариш юзасидан кескин чораларни амалга ошириш зарурлигига эътиборимизни қаратяпти. Тўғрисини айтиш керакки, биз бу борада қисқа муддатли кампаниядан нарига ўтмадик. Натижада 1983 йилда кўзга ташланган ноишлаб чиқариш йўқотишларнинг қисқариш жараёни амалда тўхтаб қолди. Бунинг устига ўтган йили саноатда бир ишчи ҳисобига йўқотишлар 1983 йилга нисбатан Чилонзор районида 2 баравардан зиёд, Киров районида 1,2 баравар, умуман шаҳар қурилиш ташкилотлари бўйича 1,3 баравар ўсди. Қурилишда, айниқса Акмал Икромов, Киров, Ҳамза ва Чилонзор районларида прогуллар сони кескин ошди.

Меҳнат коллективларида, партия ташкилотларида шу ойнинг бошида интизомнинг аҳволи ва уни кучайтириш бўйича қўшимча чораларни муҳокама этиш пайтида меҳнаткашлар квартира ҳақини тўлаш, врач қабулига кириш, зарур маиший хизматдан фойдаланиш, кундалик эҳтиёж буюмларини харид этиш учун баъзан иш жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлаётганликлари ҳақида асосли норозилик билан гапирдилар. Ваҳоланки, 1983 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар иш режимини қайта қуриш ҳақида бир қанча яхши қарорлар қабул қилинган эди. Афсуски, уларнинг кўпи қоғоздагина қолди. Бу — Бош бошқармаларнинг коммунист-раҳбарлари — Ғ. Ҳ. Мансуров (савдо), Р. Ю. Ўразбоев (умумий овқатланиш), Қ. С. Тўлаганов (соғлиқни сақлаш), Ҳ. Қ. Йўлдошев (халқ маорифи), М. З. Зуфаров (аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси), Ў. А. Ризаевнинг (уй-жой бошқармаси), уларга қарашли ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятсизлиги, ишнинг эскирган услуб ва методларидан воз кечишни истамаслиги, сусткашлигининг бевосита оқибатидир. Бу ерда партия комитетлари ва ташкилотлар, ижроия комитетлар ва район Советлари томонидан талабчанлик ҳам бўшашган. Чунончи, яқинда шаҳар партия комитети бюросида КПСС аъзоси, шаҳар уй-жой бошқармаси бошлиғи Ў. А. Ризаевнинг ҳисоботи кўриб чиқилиши шуни кўрсатдики, у уй-жой эксплуатация органларида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, уларни малакали кадрлар билан комплектлаш бўйича кўпгина масалаларни ҳал этмаяпти. Бу уй-жой фондидан фойдаланишнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатяпти, аҳолининг ҳаққоний эътирозини туғдиряпти. Бошқарма аппаратининг партия ташкилоти эса коммунист-раҳбардан ўз бурчини аниқ бажаришни талаб этиш ўрнига, уни танқиддан асраб қолиш, раҳбарликдаги камчиликларни турли хил «объектив» қийинчиликлар билан оқлашга уриняпти. Шаҳар хўжалиги объектларини капитал ремонт қилиш бошқармасида (Ж. Ю. Мақсудов) ҳам шундай ҳоллар мавжуд.

Бундай иш практикасини тубдан ўзгартирмоқ лозим. Бундай масалаларда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети принципиал позицияда турмоғи керак.

Аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тармоқлар фаолиятини такомиллаштириш ҳисобига ҳар бир ишлаб чиқаришда маъмурият рухсати билан бериладиган отпускаларни, прогулларни камайтириш, иш вақтининг ҳар бир минутини, ҳар бир кишини ишга, ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга сафарбар этиш мумкин ва лозим.

Интизомнинг янада мустаҳкамланиши партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан хўжалик раҳбарлари, ўрта бўғин командирлари иши устидан, барча коммунистлар, ҳар бир меҳнатчининг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини талаб этади.

Кўриниб турибдики, халқ хўжалигидаги аҳвол қатъий яхшиланганини ҳақида гапиришга эрта. Гап шундаки, ҳали кўп жойларда кадрлар билан ишлаш етарли даражада эмас, уларга зарур фазилат — сўзнинг устидан чиқиш, ишни омилкорлик билан юритиш, социалистик ишбилармонлик, топширилган иш учун юксак масъулият ҳисси сингдирилмаяпти.

Кадрлар билан ишлашда партиявий принциплар тўғридан-тўғри бузилаётган ҳоллар учраб турганлиги кишини янада ташвишлантиради.

Бугунги кунда раҳбарларнинг сиёсий ва ахлоқий сифатларига катта талаблар қўйилаётганига қарамай, ҳали партия комитетлари уларнинг фаолиятини баҳолашга план топшириқлари бажарилишини, тегишли меҳнат коллективларининг иш кўрсаткичларини бош мезон қилиб бир томонлама ёндошишяпти. Бундай ёндошув раҳбарларга, уларнинг тўлақонли шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, маънавий, тарбиявий, ахлоқий омилларнинг ролини пасайтиради. Шу сабабли ҳануз раҳбарлар орасида ўзига ишониб топширилган мансабдан шахсий наф олиш учун фойдаланаётган, ўз хўжалиги атрофида ўралашиб қолишга йўл қўяётган, ўз фаолиятига танқидий баҳо бермаётганлар учраб тургани тасодифий эмас. Бундай ҳатти-ҳаракатларга қарши курашда партия комитетлари томонидан йўл қўйилаётган бўшашувчанлик шунга олиб келадики, айрим раҳбарлар сиртдан ишни кўнгилдагидек қилиб кўрсатиш йўлига ўтадилар, партиявий принципларни бузадилар, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик билан шуғулланадилар, бошқа нуқсонларга йўл қўядилар.

Бундай фактлар ҳақида илгари гапириб ўтган эдик. Энг муҳими, буларга ҳамиша ўз вақтида принципиал баҳо бериш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми, Ўзбекистон Компартияси область комитетининг VIII пленуми ҳаққоний кўрсатиб ўтганидек, бу иш ҳали шаҳар партия ташкилотининг кўпгина қуйи бўғинларига таъсир этмади. Айрим бошланғич партия ташкилотлари коммунист-раҳбарларнинг камчиликларини кўрганда кўз юмиб ўтишни раво кўради, суиистеъмол қилиш ҳолларига бепарво бўлиб, юқори партия органларининг аралашувини кутади.

Шаҳар партия комитетининг бюроси алдаш, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик йўлига ўтганларга нисбатан муросасиз позицияда бўлаётгани маълум. Пленумдан кейинроқ, бундай нотўғри иш услуби учун экскаватор заводи раҳбарлари Маҳмудов ва Пирогов, Фрунзе район ошхоналар трестининг директори Қўшоқов вазифаларидан бўшатилган, партиядан ўчирилган эдилар, бирлашмаларнинг директорлари Адалев, Аббосова, Мирзокиров ишдан озод этилдилар ва партиявий жавобгарликка тортилдилар.

Шаҳар партия комитети бюросининг позицияси бошқача бўлмайди. Шунга қарамай ва буни била туриб, кейинги пайтда бизга область партия комитетининг пленумида ҳаққоний кўрсатиб ўтилганидек, партия ташкилотларининг назоратсизлиги оқибатида «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи, «Ташхимсельмаш» заводида ошириб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари очилди.

Фақат назоратсизлик вазияти, партия Устави талаблари бажарилиши учун талабчанликнинг йўқлиги, турмуш тарзимизга зид йўл тутилиши шунга олиб келдики, архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси партия ташкилотининг собиқ секретари Муҳиддинов автомашиналар билан чайқовчилик қилиш йўлига ўтди. Шаҳарнинг собиқ бош архитектори, коммунист С. Р. Одилов ушбу вазиятда ўзини эркин ҳис этиб, шаҳар бош планини ҳаётга тадбиқ этишда жиддий хатоларга йўл қўйди, кўпинча бу ишдан ўзини четга олди, ёдгорликлар қурилишига берилди, ишлаб чиқаришда, ижтимоий ҳаётда, ўзини тутишда нокамтарлик қилди, ўз хўжалигига ўралашиб, шахсий уй қуриш билан шуғулланди. 15 минг сўм гонорардан партия аъзолиги бадалини тўламади.

Шаҳар партия комитети бюроси ўз қарорини қабул қилди, бугун шаҳар партия комитетининг пленуми узил-кесил қарор қабул қилади. Афсуски, бу Октябрь район партия ташкилоти учун сабоқ бўлмади. Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси коммунистларининг йиғилишида бу масалалар принципиал, очиқ ва талабчан муҳокамага айланмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумида «Главсредазирсовхозстрой»нинг бошланғич партия ташкилотида XVI пленум қарорлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш юзаки, коммунистларнинг атиги 57 проценти иштирокида ўтгани учун биз ҳаққоний танқид қилиндик.

Умуман Октябрь, Ҳамза, Чилонзор районларининг бир қатор партия ташкилотларида коммунистларининг йиғилишини қайта ўтказишга тўғри келди. Чунки улар ҳам кадрлар сиёсатини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашда партия ташкилотининг жанговарлигини оширишнинг конкрет чоралари ва йўллари белгиланмай юзаки ўтказилган эди.

Раҳбар коммунистлар томонидан ахлоқий-маънавий сифатларнинг йўқотилиши олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларининг кўпгина раҳбарлари, яъни ёш авлод тарбияси масалалари билан шуғулланаётган, шахсий камтарлик, юксак маданият, ўз бурчини беғараз бажариш намунасини кўрсатиш керак бўлган кишиларда ҳам намоён бўлди.

Шаҳар партия комитети бюроси коммунист-раҳбарлар фармацевтика институтидан Ҳ. Ҳ. Холматов ва К. А. Собировни, автомобиль-йўл институтидан А. М. Муталибов, ТошМИдан Ў. О. Ориповни қаттиқ партиявий жавобгарликка тортди, келгусида уларнинг ишлаши мақсадга мувофиқми ёки йўқлиги масаласини қўйди.

Физкультура институтининг партия йиғилиши проректор, коммунист К. П. Тэнга хизмат лавозимидан ғаразли мақсадларда фойдалангани учун қаттиқ партиявий жазо берди ва институт партия бюроси составидан чиқариб принципиал йўл тутди.

Ўйлаймизки, Ленин район партия ташкилоти район партия комитети аъзоси Ҳ. Ҳ. Холматов ва ревизия комиссияси аъзоси К. П. Тэн хусусида ўзининг принципиал сўзини айтиши керак.

Фан ва ўқув юртлари (М. Ғ. Алиев), пропаганда ва агитация (Қ. М. Рафиқов) бўлимлари фан, ўқув юртлари, маданият ва санъат кадрлари билан ишлашни жиддий қайта қуришлари керак, улар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва айниқса, ғоявий чиниқтириш юзасидан қунт билан ишлаш эҳтиёжини ҳамиша ҳис этишлари даркор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва область партия комитетининг пленумларида уй-жойларни тақсимлаш масалаларида социал адолатни тиклаш бўйича зарур чоралар кўрилмагани учун бизни ҳаққоний танқид қилишди. Область партия комитети бюросининг қарори билан шаҳар ижроия комитети бошқармалари, бўлимларининг, район ижроия комитетларининг фаолиятига раҳбарлик ва назоратни таъминламаганлиги, айрим раҳбар ходимларнинг ўзлари учун жуда яхши уй-жой шароитларини вужудга келтириш тўғрисидаги ўринсиз талабларини қондиришга йўл қўйиб берганлиги учун В. О. Козимовга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинганлиги сизларга маълум. У шаҳар ижроия комитети раиси лавозимидан ва шаҳар партия комитети бюроси аъзолигидан озод этилди, область партия комитети аъзолигидан чиқарилди. Икки ойдан зиёд вақт ўтди. Лекин очилган номаъқулчиликларнинг оқибатларини тугатиш юзасидан ҳали амалий қадамлар кам қўйилди. Анчагина ортиқча уй-жой майдони олган раҳбарлар ҳамон улардан фойдаланишяпти, бир қатор партия ташкилотлари эса уларнинг хатти-ҳаракати замирида партиявий нокамтарликни кўрмаяптилар.

Киров, Куйбишев, Октябрь, Фрунзе, Ҳамза район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари яқин вақтларгача ана шу масалаларда муросасозлик қилишди. Шаҳар ижроия комитетининг айрим бўлимлари ва бошқармаларининг позицияси мужмал. Шаҳар партия комитети бюроси ушбу партия комитетлари, раҳбарларни тўғри йўлга солиб қўйишга, улардан қатъий чоралар кўрилишини талаб қилишга мажбур бўлди. Ана шу масала бўйича қабул қилинган қарорни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, тегишли район ижроия комитетларининг раислари янада қатъият билан бажариши шарт.

Давом этаётган салбий ҳолатларнинг сабаблари ҳақида гапирганда, таъкидлаб ўтиш керакки, асосий сабаблардан бири, барча партия комитетлари, партия бюролари — улар, партия вакиллари, унинг сиёсати ва қарорларини ҳаётга мустаҳкам ва изчил ўтказиши, ҳар бир ходим ленинча принциплар ва нормаларга оғишмай риоя этишини таъминлаши, уни бузувчилардан қаттиқ талаб қилиш зарурлигини аниқ англаб олганларича йўқ.

Ҳар бир раҳбар юқоридан ҳам, қуйидан ҳам, омма томонидан доимий назорат остида бўлиши, ўзига раҳбарлик қилувчи олдидагина эмас, балки ўз раҳбарлиги остидагилар, партия ташкилоти бўйича ўртоқлари олдида ҳам ҳисоб бериши лозимлигини ва масъулиятини ҳис этиши, ўз иши ва хатти-ҳаракатига танқидий баҳо бермоғи лозим.

Салбий ҳолатларга қарши курашнинг олдинги марраси бошланғич партия ташкилотларига ўтказилиши керак. Хатоларни, коммунист раҳбарлар ишидаги янглишишларнинг ошкора муҳокама этилиши — бу муҳим тарбиявий мезон, турли суиистеъмол қилиш ва бузилишларнинг олдини олиш, мишмишлар, уйдирмалар ва ходимлар устидан ҳар хил тухмат гаплар чиқариш кабиларни бартараф этиш воситасидир. Бу ишда социалистик қонунчилик ва партиявий интизом бузилишларига, бўшашувчанликка, масъулиятсизликка қарши курашнинг таъсирчан воситаси — ошкораликдан қўрқмаслик керак.

Раҳбарларнинг шахсий ишларини бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтиб кўриб чиқиш практикасини узил-кесил барҳам топтириш лозим. Бу талаб — кадрларни тўғри тарбиялаш, партия интизомини мустаҳкамлашнинг зарур шартидир.

КПСС Марказий Комитетининг тавсияси билан нуқсонлар ва салбий ҳолатларни бартараф этиш, кадрлар билан ишлашда бошланғич партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва активлигини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш мақсадида Воронеж партия ташкилотининг тажрибасидан келиб чиқиб, Тошкентда бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги кўриги бошланди.

Шаҳардаги 36 партия ташкилоти кўрикни ўтказишга ҳозирдаёқ қўшилди. Уларнинг ҳар бирида шаҳар партия комитети, район партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, ветеранлар, анча обрўли ва тажрибали коммунистлардан кўрикни ўтказиш бўйича комиссиялар тузилди.

Кўрик натижалари ҳақида гапириш ҳозирча эрта, уни ўтказишда биз ҳали эксперимент доирасидан чиқмадик. Лекин ҳозироқ айтиш мумкинки, бу тажриба ҳар бир коммунист билан индивидуал ишни анча аниқ, предметли ташкил этиш, у амалда партиянинг сиёсий жангчиси бўлишга эришиш, ҳар бир партия ташкилотининг партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини комплекс ҳал этишдаги имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, уларнинг меҳнат коллективларининг сиёсий ядроси сифатидаги ролини ошириш имконини беради.

Бу ишда юзакичилик, шошқалоқлик, вужудга келган масалаларни ўрганишда теранлик йўқлигига йўл қўйиб бўлмайди. «Средазгазавтоматика» заводи, 7-фабрика, 2-маршрутли таксилар автотранспорт корхонаси партия ташкилотларида шундай бўлди, бошланғич босқичда кўрикни ташкил этишга анча юзаки ёндошишди. Натижада партия аъзолари билан бўлган дастлабки суҳбатлар сезиларли из қолдирмади ва улар томонидан расмий тадбир сифатида қабул қилинди. Партия ташкилотларига борган шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг ходимлари уларнинг ишини кузатишди, комиссия аъзолари билан учрашишди, уларга йўл қўйилган хатоларни тушунтиришди. Буларни қатъият билан бартараф этмоқ лозим. Биз, шунингдек яқин фурсатда кўрикка анча кўпроқ ташкилотларни, айниқса Марказий Комитет пленумида кўрсатиб ўтилган камчиликлар, салбий ҳолатлар, партия ҳаёти нормаларидан четга чиқишлар рўй берган ташкилотлар қўшилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бу, айниқса, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, уй-жой-эксплуатация органларининг партия ташкилотларига тааллуқлидир.

Буларда кадрлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли маданият пастлиги, лоқайдлик, қўполлик, алдаш, ҳақдан уриб қолиш, чойчақа, ширинкома талаб қилиш, пора олиш, социалистик мулкни талон-тарож қилиш каби салбий ҳолатларнинг кўплаб фактлари ҳамон рўй беряпти.

Фақат 1984 йилда растраталар ва социалистик мулкни талон-тарож қилиш йўли билан 740 минг сўмликдан зиёд зарар келтирилди. Буларнинг ҳаммаси давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган контроль-ревизия хизматлари ва бошқа контроллик қилувчи органларнинг 300 дан зиёд ходими кўзи олдида қилиняпти.

Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши курашда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси (Э. А. Абдуллаев), шаҳар прокуратураси (Г. П. Филиппенков, И. Н. Илюшин), уларнинг қарамоғидаги ташкилотлар ҳамиша ҳам изчил ва муросасиз позицияни эгаллашмаяпти. Ҳуқуқ муҳофазаси органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича ишни давом эттириш лозим. Уларда топширилган иш учун юксак масъулият туйғусини тарбиялаш маъмурий органлар бўлими (А. М. Солиҳов)нинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Партия комитетлари ҳозирги талаблардан келиб чиқиб, партия, совет, хўжалик қурилишининг барча соҳаларига сиёсий етук, профессионал жиҳатдан маълумотли, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган кишилар бошчилик қилишларига эришишлари зарур. Фақат обрўли, коллективларда ҳурмат-эътиборли кишиларгина оммани ўз ортидан эргаштириши, партиянинг барча топшириқлари бажарилишини таъминлашлари мумкин.

Умуман шаҳарда кейинги вақтда яхши тайёргарликдан ўтган, сиёсий етук, партия ишига содиқ раҳбарлар ўсиб вояга етди ва шаклланди, муайян кадрлар потенциали таркиб топди. Улар орасида кўплаб миллатларнинг вакиллари борки, бу эса аҳоли барча қатламларининг манфаатларини лозим даражада ҳисобга олиш имконини бермоқда. Кадрлар билан ишлашда, зотан интернационализм принципига риоя қилиш ҳақида гапирганда биз бу борада ҳали кўпгина масалалар борлигини аниқ тасаввур этишимиз зарур. Шу тўғри ҳолми: савдо, маиший хизмат кўрсатиш, план-молия органлари раҳбарлари ўртасида туб миллат вакиллари 60,3 процентни, фан, соғлиқни сақлаш, халқ маорифида 83,7 процентни ташкил этади. Яна бу улар мазкур соҳаларда ишлаётганларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этмаётган бир пайтда шундай бўлмоқда. Бу проблеманинг бошқа томони ҳам бор. 2 миллион кишилик шаҳарда юздан зиёд миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси вакиллари раҳбар кадрлар, партия ва жамоат ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари составида тегишли суратда киритилиши керак.

Раҳбар кадрларни интернационаллаштириш масаласи барча район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, ташкилий бўлим (М. Л. Ельшов) ва шаҳар партия комитети бошқа бўлимларининг доимо диққат марказида турмоғи лозим.

Шаҳарнинг кўпгина партия комитетларида бугунги кунда раҳбар кадрларга характеристика тузишга ёндошиш ўзгариб бормоқда. Уларда ижобий фазилатлар билан бир қаторда раҳбарларнинг салбий жиҳатлари чуқурроқ очилмоқда. Характеристикаларни партия йиғилишларида, меҳнат коллективларида очиқ муҳокама этиш қоида бўлиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси кадрларни яхшироқ ўрганиш, кадрлар ишида кўпгина хатоларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Шунга қарамай, бу йўналишдаги ўзгаришлар сусткашлик билан бормоқда. Акмал Икромов, Октябрь, Сергели, Ҳамза, Чилонзор ва бошқа район партия комитетларидан шаҳар номенклатураси ходимларига келаётган характеристикаларнинг таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, улар кўпинча бир қолипда тузиляпти. Аввалгидек характеристикаларнинг анчагина қисмини меҳнат фаолиятининг асосий босқичларини тасвирлаш, хизматларини санаб чиқиш ташкил этяпти, нуқсонлар ва бўш томонлари ҳақида жуда тортиниб-қимтиниб, умумий жумлалар билан айтмоқдалар. Бундай характеристикалардан у ёки бу ходимнинг қандайлиги, унинг ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатлари у тавсия этилаётган лавозимга ҳақиқатан ҳам қанчалик мувофиқлигини аниқлаб олиш мушкул.

Демократик асосларни янада активроқ ривожлантириш зарур. Номзодларни партия очиқ йиғилишларида ҳозирча олдиндан муҳокама этиш асосан фақат партия ва совет ишларига кўтариш чоғидагина практика қилинмоқда, барча лавозимларга ишга кўтаришда ҳам шундай қилиняпти, деб бўлмайди. Бу усул хўжалик органлари раҳбарларини, ўрта звено кадрларини ишга кўтариш чоғида деярли қўлланилмаяпти. Раҳбарларнинг партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида, партия комитетларининг бюролари мажлисларида, партия комитетлари пленумларида ҳисоботларни қўйишдек ўзини ижобий жиҳатдан оқлаган практикани кенг қўллаш зарур, ҳамма жойда раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича Грузия партия ташкилотларининг тажрибасини кенг қўллаш керак.

Кадрлар билан ишлашдаги бўш жиҳатлардан бири уларни тез-тез алмаштираверишдир. Кейинги тўрт йил ичида саноат корхоналари, мактаблар раҳбарлари составининг деярли ярми янгиланди. Қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг 60 проценти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлари раҳбарларининг салкам 80 проценти янгиланди.

Шундай муайян қонуният бор: қаерда кадрлар энг кўп алмаштирилаётган бўлса, ўша ерда хўжалик фаолиятининг натижалари қониқарсиз бўляпти. Масалан, В. И. Ленин номли якка тартибда кийимлар тикиш ва ремонт қилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи мана бир неча йиллардан буён ишда бир маромга эриша олмаяпти. Бу ерда фақат шу беш йилликдагина тўрт директор алмаштирилди, ҳозир бешинчиси ишлаб турибди. Натижа қандай бўляпти? Корхона аввалгидек техник-иқтисодий кўрсаткичларни бажаришни уддалай олмаяпти. Бундай мисоллар ягона эмас.

Кўп нарса резервдагиларни ишга кўтаришдан бошланади. Район партия комитетларида резервни шакллантириш бўйича ишлар партия ташкилотлари ва маъмуриятлари фикри бўйича, бўлинма раҳбарининг ўрнини босиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини шунчаки тузишдан иборат бўлиб қоляпти. Рўйхат-ку бор, лекин кўп ҳолларда реал бўлмаётир.

Колхоз бозорлари бошқармасининг раҳбари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Фрунзе район ошхоналар трестининг директори, Куйбишев район Совети ижроия комитети маданият бўлимининг мудири, «Водоканал» трести партия комитети секретарининг ўринбосари, «Узбитхим» бирлашмаси директорининг ўринбосари ўринлари узоқ вақтдан буён бўш турибди. Бу ва бошқа фактлар шуни кўрсатяптики, шаҳар партия комитетининг савдо-молия органлари, саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимлари, Киров, Куйбишев, Ленин, Фрунзе, Ҳамза район партия комитетлари резервларни шакллантириш масалаларига юзаки ёндошмоқдалар, раҳбарлик ишларининг муайян даражаси ва профилини ҳисобга олган ҳолда олдиндан ходимлар тайёрламаётирлар.

Бундай муносабат айниқса ходим салбий сабабларга кўра алмаштирилганда иш яхши бўлмаган соҳаларни мустаҳкамлаш ўрнига аксинча натижаларга олиб келмоқда.

Бошқа бир нарса ҳам ташвишлантиради. Баъзи ҳолларда бўш лавозимларни тўлдиришга шошилиш ҳамон содир бўляпти. Масалан, Ҳамза район партия комитетининг етарлича принципиаллик кўрсатмаганлиги, ходимларнинг ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатларини ўрганишга чуқур ёндошмаганлиги натижасида раҳбарлик лавозимларига ўзларининг шахсий, ғаразли манфаатларини давлат манфаатларидан юқори қўйган, ахлоқий нопок — «Тошкентвино» комбинатининг собиқ директори Мирзокиров, патент хизмати кўрсатиш Бутуниттифоқ хизматининг Тошкент филиали бошлиғи Б. Ҳ. Ҳаитов сингари кишилар ўралашиб қолган.

Қисқаси, бу масалага ёндошиш тубдан ўзгартирилмоғи зарур. Шунга эришиш керакки, резервга, раҳбарлик лавозимларига ҳақиқатан ҳам энг лаёқатли кишилар танлаб олиниши, уларни эса меҳрибонлик билан камолга етказилиши, стажировка йўли билан ҳам малакасини ошириш йўли билан ҳам раҳбарлик санъатини изчил ўргатишлари керак. Шу каби барча масалаларда биринчи навбатда шаҳар партия комитетининг ташкилий бўлими янада активроқ, қатъий ва принципиал позицияда турмоғи керак.

Кадрлар составини систематик суратда янгилаб туриш, уларни мунтазам янги кучлар, энг аввало ишчилар синфи, интеллигенциянинг энг яхши вакиллари ҳисобига тўлдириб бориш кадрлар ишидаги энг муҳим йўналиш ҳисобланади. Афсуски, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида ўзини яхши кўрсатган ёшларни масъулиятли ишга кўтариш масалаларида улар кучига ишонқирамаслик мавжуд.

Акмал Икромов, Куйбишев, Ленин, Ҳамза районларида 40 ёшгача бўлган ходимлар сони қисқарган. Чилонзор районининг раҳбар кадрлари ўртасида уларнинг сони оз.

Шуни доимо кўзда тутиш керакки, ёшларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш коллективда, ҳар бир иш жойида эришилган ютуқлардан ижодий қониқмаслик, масъулият ва манфаатдорлик, ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг янада самаралироқ техник-иқтисодий ҳал этиш йўлларини ва резервларни излаш вазиятини яратади.

Аввалгидек хотин-қиз кадрлар масаласи шаҳар партия ташкилоти учун долзарб бўлиб қолмоқда. Баъзи бир ижобий ўзгаришларга қарамай умумий мавжуд аҳвол бизни қониқтириши мумкин эмас.

Ҳали кўпгина партия комитетлари хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш масалаларини унча хушламай, айрим ҳолларда ишонқирамай-чўчиб ҳал этадилар. Ҳолбуки, улар шаҳар халқ хўжалигида ишлаётганларнинг ярмини ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, барча район партия комитетлари, шаҳар партия комитетининг ташкилий бўлими бу иш устидан етарлича назорат олиб боряпти, деб бўлмайди.

Киров, Собир Раҳимов районларининг раҳбар ходимлари ўртасида хотин-қизлар оз. Ҳамза районида эса улар сони ҳатто камайиб кетган. Соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ходимларининг 70 процентдан 80 процентигачани хотин-қизлар ташкил этади. Ана шу тармоқлар раҳбарлари ўртасида эса улар учдан бир қисмдан озроғини ташкил этади, холос. Шу муносабат билан эслатмоқчимизки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдига жуда конкрет вазифа қўйди: хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида хотин-қиз кадрлар муносиб ўрин эгаллашлари ҳақида мунтазам ғамхўрлик кўрсатмоқ керак. Шаҳар партия ташкилоти бу ишни яхшилаш учун барча имкониятларга эгадир.

Экономикамиз ривожланишининг ошиб бораётган миқёслари ва суръатлари раҳбар кадрларимиздан биринчи навбатда юксак ғоявий эътиқодни, ишнинг кўзини билишни, ишлаб чиқаришнинг барча хусусиятларини чуқур билишни ва энг юксак даражада бошқаришни талаб этади.

Шу билан бирга шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида таъкидланганидек, партия сиёсий таълимининг ҳозирги системаси бир қатор жиддий нуқсонларга эгадир. Шуни тан олиш керакки, баъзи раҳбарлар асосан амалий тажрибаларига таянмоқдалар, назарий билимларни бўш эгалламоқдалар. Давр талабига қарамай, улар кишиларни тарбиялаш, коллективларнинг ахлоқий-сиёсий аҳволи учун ўз масъулиятларини ҳали англаб етмаётирлар. Район партия комитетлари, партия комитетлари, партия бюролари ғоявий-назарий савияни оширишда коммунист-раҳбарларга ҳамиша ҳам юксак талабчанлик кўрсатмаяптилар.

Бир қатор партия комитетларининг марксизм-ленинизм университетида раҳбар ходимларни ўқитишга муносабати буни кўрсатиб турибди. Бир неча бор эслатишлар, илтимос қилиш ва ишонтиришлардан сўнг биз муттасил машғулотларни қолдирганлиги учун 68 раҳбарни университетдан ҳайдашга мажбур бўлдик. Биз уларнинг номларини шаҳар партия комитетининг IX пленумида айтиб ўтган эдик.

Акмал Икромов, Киров, Куйбишев, Ҳамза ва бошқа районларнинг партия комитетлари ўқишга бундай му-

(Давоми 3-бетда).

КАДРЛАР—ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИКНИНГ БОШ ЗВЕНОСИ

(Охири. Боши 1, 2 бетда).

носабат билан бундан буён муроса қилмасликлари шарт. Бундай раҳбарларга эндиги кўриладиган чора партиявий таъсир чораси бўлмоғи керак.

Партия-сиёсий таълими обрўсини ҳар томонлама оширишимиз, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини такомиллаштиришимиз лозим. Шуни доимо ёдда тутиш керакки, бу иш кадрлар резервини тарбиялашнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми йўлини амалга ошириш ишида район партия комитетлари ўта масъулиятли роль ўйнашлари керак. Айнан улар партия сиёсатини жойларда бевосита амалга оширувчи ҳисобланадилар. Барча хўжалик, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш уларнинг ғайрат билан ва ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишларига боғлиқ.

Секретарларга айниқса юксак талаблар қўйилмоқда. Уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий фазилатлари кўп жиҳатдан партия комитетлари фаолиятининг бутун қиёфасини белгилаб беради. Улар ўзларининг ҳуқуқлари миқёси ва ўз ишларини билишлари бўйича, ўзларининг ишчанлиги ва принципиаллиги ва камтарлиги, аҳволни ўзига танқидий муносабатда баҳолай билиш қобилияти, нуқсонлар ва хатоларни виждонан ва очиқчасига тан олишлари, кишиларни биргаликда аҳил ишлашга уюштира олишлари билан улар коммунистларга хос яхши фазилатларни мужассамлаштиришлари лозим.

Фақат секретарларгагина эмас, балки бутун партия аппаратига ҳам юксак даражада талабчанлик кўрсатмоқ керак. Партия ходимлари бошқалардан фарқли ўлароқ ўзларининг профессионал, сиёсий савияларини чуқурлаштириш тўғрисида муттасил қайғуришга мажбурдирлар. Ўтган ойда район партия комитетларининг аппаратлари ходимлари билан ўтказилган суҳбат шуни кўрсатдики, айрим раҳбарлар партиявий раҳбарлик кўникмаларини бўш эгаллаганлар, актив тарбиявий ишни, партия ташкилотларига амалий ёрдамни умумий кўрсатмалар билан алмаштирмоқдалар, жойлардаги ишларнинг аҳволини, кадрларни ёмон биладилар ва ўрганадилар, партия қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилмаётирлар. Буни тузатмоқ керак.

Партия комитетининг марказий фигураси бўлиши керак бўлган инструкторлик составига алоҳида эътибор қаратилиб, партия аппарати ходимларини танлаш қатъият билан яхшиланиши лозим. Бу ишга бошланғич партия ташкилотларидаги сайлаб қўйилган ишнинг яхши мактабидан ўтган, меҳнат коллективларида чиниққан коммунистлар, меҳнаткашларнинг ҳурмати ва ишончини қозонган кишиларни кўтариш лозим.

Меҳнат кишисининг манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилиши, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳам, уй-жой, йўлланмалар, ижтимоий истеъмолнинг барча фондларини ажратишда ҳам социал адолат принципларига риоя этилишини таъминлаши лозим бўлган касаба союз комитетлари ва ташкилотлари кадрларига эътибор кучайтирилиши керак бўлади.

Барча комсомол комитетлари ва ташкилотлари ёшларни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшишга даъват этилганлар. Йигитлар ва қизларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига яхшироқ тайёрлаш, ёш авлодни ишчилар синфи сафига кенгроқ тортиш, умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш — КПСС Марказий Комитетининг маълум қарори шаҳар комсомоли зиммасига шуни юклаяпти, партия комитетлари комсомол кадрларни ана шу руҳда камол топтирмоқлари ва тарбияламоқлари лозим.

Шаҳар партия комитетининг бўлимлари, район партия комитетлари, халқ депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети янги чақириқдаги Советлар фаолиятининг дастлабки одимларидан оқ халқ депутатларининг юксак ҳуқуқ ва ваколатларидан тўлароқ фойдаланиш учун барча чораларни кўришлари керак. Сайловчиларнинг наказлари, меҳнаткашларнинг мулоҳазалари ва таклифлари бажарилиши учун депутатлар назорати ва барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ўрнатиш керак бўлади. Бу ишда ҳали кўпгина чала ишлар ва камчиликлар бўлиб, уларни бартараф этиш учун Советлар жуда кўп иш қилишлари даркор.

Партия группалари, цех ва бошланғич, район ва шаҳар партия ташкилотларидаги навбатдаги ҳисобот-сайлов кампанияси кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, партия комитетлари ва ташкилотлари фаолиятининг даражасини оширишда янги муҳим босқич бўлиши керак. Ҳисобот ва сайловлар коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги вазиятида, партия комитетлари ва ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини такомиллаштириш белгиси остида ўтиши керак.

Партиянинг, КПСС Марказий Комитети март (1985 йил) Пленуми кўрсатмаларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорларини ҳар бир партия комитетига, ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистга, жонли амалий ишгача етказиш керак.

Бюро, биринчи секретарь сифатида мен, шаҳар партия комитети бўлимлари, район партия комитетлари ўз ишимизни зўр ғайрат билан ташкил этишимиз, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги ишларнинг аҳволи учун кадрларнинг масъулиятини оширишимиз, партия социал-иқтисодий сиёсатининг бош, энг муҳим проблемаларини тўғри ҳал этиш бўйича линияни янада қатъийроқ ўтказишимиз керак бўлади.

Бугунги кунда барча партия, совет, хўжалик ходимларидан, барча кадрлардан, ҳар бир раҳбардан топширилган иш участкасида, олдинда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлаш учун энг кўп даражада уюшқоқлик ва масъулият талаб этилади. Белгиланган барча режаларни амалга ошириш учун ишда зўр куч-ғайрат сарфланиши зарур.

Шаҳар партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитетини бундан кейин ҳам кадрларни танлаш ва тарбиялашни яхшилаб, уларга бўлган талабчанликни ошира бориб, ўз ишининг услуб, форма ва методларини такомиллаштиришга қатъият билан эришаверади, КПСС нинг навбатдаги XXVII съездини янги зафарлар билан кутиб олади, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

* * *

Кейин музокаралар бошланди. Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари **О. Х. Асқаров**га сўз берилди. У айтдики, партия томонидан социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш бўйича кўрилаётган чоралар райондаги барча меҳнат коллективларида якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Район партия ташкилотида коммунистлар бошчилик қилаётган коллективлар белгиланган топшириқлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажармаслиги фактлари учраб турибди. Бу ҳол қатор бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларида аниқлик ва ишчанлик йўқлиги, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий турмуш жараёнлари, тенденциялари чуқур ва ҳар томонлама анализ қилинмаслиги, кўпинча кенгашлар ва мажлисларда умумий гаплардан конкрет масалаларга ўтилмаётганлиги билан изоҳланади.

Асосий айб эса бизга, бу муҳим масалада контроль қилишни унутган, айбдорларга қаттиқ талаб қўймаган район партия комитетининг зиммасига тушади.

Тажриба кўрсатадики, қаерда кадрлар билан ишлаш бўшаштирилган, партия ташкилотлари томонидан коммунистларнинг айниқса, раҳбарларнинг фаолиятига баҳо беришда принципиаллик йўқ бўлса, ўша жойда одатда давлат интизоми, партия этикаси бузилиши, хизмат лавозимини суиистеъмол қилишлар учун шарт-шароит вужудга келади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг собиқ бошлиғи С. Р. Одилов билан худди шундай бўлди. Шаҳар партия комитети бюросининг «Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳоллари тўғрисида»ги қарорини муҳокама этган партия йиғилиши кўрсатиб ўтдики, коммунистлар ўз вақтида қатъият ва принципиаллик кўрсатишмади, раҳбарнинг хулқ-атворидаги хатоларни очиб ташлашмади, район партия комитети эса бу ишда уларга зарур ёрдам кўрсатмади.

Албатта, социалистик меҳнат интизоми, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг эътиборидан тушиб қоляпти, деб бўлмайди. Бу масалалар партия йиғилишларида ва район партия комитетининг бюроси мажлисларида кўриляпти.

Биз шу йил март ойида район партия комитетининг бюросида «Узгосстандарт» партия бюросининг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида коммунистларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш бўйича ҳисоботини тингладик. Партия бюросининг иши қониқарсиз деб топилди, партия ташкилоти секретари қаттиқ виговор олди ва вазифасидан озод этилди. Ушбу ташкилот раҳбари, райком аъзоси Мирсоатовнинг эътибори вужудга келган аҳволга қаратилди.

Коммунистлар XVI пленум қарорларини ўз партия йиғилишларида муҳокама этиб, амалга оширилган ишларга очиқ, жиддий партиявий баҳо бериш, камчиликларни очиб ташлаш, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш имкониятига эга бўлишди.

Партия йиғилишларида белгиланган ишларнинг кўпи ҳозирдаёқ ҳаётга тадбиқ этиляпти. Чунончи, Ўзбекистон ССР Госснаби партия ташкилотида коммунистлар, бошқарма раҳбарларининг жанговарлигини ошириш мақсадида аттестация ўтказиляпти, аттестация давомида ҳозирнинг ўзидаёқ кишининг у ёки бу лавозимга муносиб ёки муносиб эмаслиги аниқланяпти.

Биз кадрлар билан ишни фақат ўз амалий тажрибамизга суяниб ташкил этяпмиз. Шаҳар партия ташкилотида тўпланган энг яхши тажрибаларни бунга «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясини жалб этган ҳолда, амалий семинарлар ёрдамида кенгроқ умумлаштириш ва ёйиш тўғри бўлур эди. Қисқаси, гап илғор тажрибадан мунтазам ва системали хабардор бўлиш ҳақида боряпти. Биз шундай қилиниши зарур деб ўйлаймиз.

Район партия комитети ва район партия ташкилоти, деб таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг иккинчи секретари **В. Д. Ардатов** кадрларга талабчанликни ошириш, тартибни йўлга қўйиш, суиистеъмол қилиш, жамият ва унинг гражданлари манфаатига кўз олайтириш ҳолларига барҳам бериш каби масалаларни ўртага қўйди.

Буларни ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифалар билан таққослаганда шуни очиқ тан олиш керакки, бизда кадрлар билан ишлаш савияси партиянинг ҳозирги талабларига ҳали кўп жиҳатдан жавоб бермайди, бу эса кўпгина салбий ҳолларнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Область партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ва бугунги докладда булка-кондитер комбинатининг собиқ бош директори ишидаги жиддий нуқсонларга муросасозлик билан муносабатда бўлганимиз учун, бир қатор бошланғич партия ташкилотлари, айниқса қурилишда кадрлар билан ишлашда принципсизлик қилаётганликлари, бу эса мазкур коллективларда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат интизомидаги жиддий нуқсонларга сабаб бўлаётгани учун бизни жуда ҳаққоний танқид қилишди.

Советларнинг ижроия комитетлари Қонунда белгиланган қоидаларга қарамай ўз бўлимлари, бошқармалари ва ташкилотларининг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва ҳисобга олиш масалалари билан деярли шуғулланишмаяпти. Ўйлаймизки, Тошкент шаҳар Совети ушбу масалада район ижроия комитетлари ишини координациялаши керак.

Биз кадрлар резервини шакллантириш ва тайёрлаш билан ҳали етарлича шуғулланмаяпмиз, уларни бўш ўргатяпмиз. Ҳамма вақт ҳам уларнинг хатоларини ўз вақтида кўрсатмаяпмиз, зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватламаяпмиз. Бизда бошқа камчилик ва нуқсонлар ҳам бор, уларга барҳам бериш устидан жиддий ишлашимиз зарур.

Шаҳар партия комитети секретарлари кейинги пайтда ходимларни ўз олдиларига келишга таклиф этиб, бунга тахминан қанча вақт кетишини хабар қиляпти. Бу практика кенгашларни белгиловчи барча ходимлар учун нормага айланиши керак, зеро, бусиз унинг қатнашчилари ўзларининг навбатдаги ишларини режалаштириш имкониятига эга бўлмайдилар.

Бугунги кунда биз авиасозларнинг хўжалик фаолиятидаги барча ишлар яхши, дея олмаймиз, деди В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мастери **С. И. Иванова.** Бир қатор раҳбарлар ўз ишининг услуб ва методларини ҳали секинлик билан қайта қуришаяпти.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида 13-янги тайинланган цех бошлиғини вазифасидан озод этишга тўғри келди. Бундай ходимлар коллективни бошқариш учун маънавий ҳуқуққа эга эмаслар. Бир қанча киши ўз ишини қайта қуриши зарурлиги тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилди.

Ҳозир биз камчиликларни бартараф этиш йўлларини партия қарорларини амалга оширишда меҳнат коллективларидаги бош таянчимиз — цех партия ташкилотларининг ролини оширишда деб биламиз.

Маълумки, ишимизнинг самарадорлиги сўз ва иш бирлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин баъзида нима учун бу принципга ҳамиша ҳам риоя этилавермаслигини тушунтириш қийин бўлади. Менга, ишлаб чиқариш мастери, меҳнатни уюштирувчи ва тарбиячига коллектив аъзолари билан мунтазам алоқада бўлишимга, ҳар қандай шароитда план бажарилишини таъминлашимга тўғри келади. Ишонинг, гоҳо шаҳар ташкилотлари вазифасига кирувчи айрим масалалар узоқ вақт бажарилмаслигидан ишчилар олдида ноқулай аҳволга тушадиган, маънавий масъулиятни ҳис этадиган пайтларим бўлади.

Бизнинг бирлашмамиз коллективи, авиасозлар шаҳарчасида яшовчи чкаловчилар телефон алоқаси ривожлантирилишига жуда муҳтожлар ва 20 минг номерли янги 97-АТС ишга туширилишини орзиқиб кутяптилар.

Афсуски, ижро интизомининг бўшлиги, 3-қурилиш тресги (Қамбаров), «Главташкентстрой» (Набиев) раҳбарлари томонидан ушбу масаланинг муҳимлиги тушиниб етилмаганлиги оқибатида барча ресурслар билан мустаҳкамланганига қарамай, қурилиш ғоят сусткашлик билан олиб боріляпти.

Шунингдек, колхоз бозори қурилиши ҳам оқлаб бўлмас даражада чўзилди. Қурилиш «Узторгстрой» (Власов) тресги томонидан саккиз йилдан бери олиб боріляпти.

Биз, айниқса юқори қаватда яшовчилар сув таъминотидаги узилишларни йил сайин кўпроқ сезяпмиз. Ҳолбуки бу масала ҳақида қарор тасдиқланган эди.

Интизом ўзимиздан бошланади. Ҳар ким ишчими, директор ёки министр бўлишидан қатъий назар қаттиқ жавоб бермоғи лозим. Биз коллективда план топшириқлари бажарилиши учун курашяпмиз, сиздан ҳам, ҳурматли раҳбарлар Тошкент аҳолиси олдидаги мажбуриятларингизни бажаришингизни талаб этамиз.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **Ш. Р. Шоабдураҳимов** Советлар ишини таҳлил қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг, деди у, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг фаолиятида яхши томонга муайян силжишлар рўй берди. Шаҳар хўжалигига раҳбарликнинг услуб ва методлари такомиллаштириляпти, ходимларнинг масъулияти ва ижро интизоми бирмунча ошди.

Ижроия комитетлар, Бош бошқармаларнинг раҳбарлари ишчилар ва хизматчилар билан меҳнат коллективларида ва аҳоли билан яшаш жойларида кўпроқ учрашмоқдалар, шаҳар, райондаги ишларнинг аҳволи, экономикани ривожлантириш ва социал муаммоларнинг ҳал этилиши ҳақида ахборот бермоқдалар. Бундай учрашувлар тракторсозлар, авиасозлар, билан, транспорт ташкилотларининг ходимлари, шунингдек, «Олмазор», «Марказ—26» ва бошқа массивларнинг аҳолиси билан ўтказилди. Бу учрашувлар биз раҳбарлар учун ҳам, меҳнаткашлар учун ҳам ғоят фойдалидир. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, коллективларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан хўжалик раҳбарларига талабчанлик ошириляпти.

Шаҳарда транспорт иши ўткир масала бўлиб турибди. Автопарклар ва трамвай-троллейбус деполарининг бир қатор раҳбарлари ишдан озод этилдилар. Булар Ражабов, Ризаев, Насриддинов, Исроилов, Ижурков, Свечников ва бошқалардир. Ўтган уч ойда ҳаракатдаги составнинг 8 проценти паркка графикдан олдин қайтиб кирди, бу 13 минг автобус, 1325 трамвай, 1300 троллейбус демакдир. Бу ерда ишлаб чиқариш интизоми паст, кадрлар ҳанузгача шу куннинг талабларига жавоб бермаётир. Биз транспорт ишини қисқа муддатларда йўлга қўйишимиз керак.

В. И. Ленин номли ТошДУ партия комитети секретари **В. В. Скворцов** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш бўйича университет ишини батафсил таҳлил этди.

Бажарилган ишлар ҳақида, дея кўрсатиб ўтди у, шундан ҳам хулоса чиқариш мумкинки, XVI пленумдан кейинги даврда 16 мансабдор шахс вазифаларидан озод этилдилар ва улар ўрнига анча обрўли, ғайратли ходимлар тайинланди. Бир проректор, икки декан, бир декан ўринбосари, тўрт кафедра мудири, кутубхона директори ва бошқа раҳбарлар шулар жумласидандир. Булардан 8 кишига партиявий жазо берилиб, ишдан озод этилдилар. Бундан ташқари, партиявий интизомни бузгани, ишдаги жиддий хатолари учун яна ўн икки профессор, ўқитувчи ва ходимга қаттиқ партиявий жазо берилди.

Биз қабул комиссиясининг иши устидан назоратни кескин кучайтирдик. Бу йил протекционизмни таг-томири билан йўқотишга қаратилган қўшимча чоралар кўрамиз.

Умуман интизомни мустаҳкамлаш ва тартиб ўрнатиш, ўзаро талабчанлик, салбий кўринишларга муросасизлик муҳитини вужудга келтириш бўйича иш олиб боріляпти, лекин хотиржамликка ҳали эрта, фаолиятимизнинг деярли барча соҳаларида камчиликлар жуда кўп. Амалга ошираётган ишларимиз ҳали шу кун талабларига тўла жавоб бермаётганини тушунамиз.

Тайёрлаётган мутахассисларимизнинг ҳаммаси ҳам замон талабларига жавоб беравермаслиги бизни ташвишлантиряпти. Зеро, олий ўқув юртларининг битирувчилари —булар ишлаб чиқаришнинг бўлғуси командирлари, бир неча йилдан сўнг коммунистик қурилишнинг мураккаблашиб бораётган вазифаларини ҳал этиш бўйича елкасига асосий юк тушадиган идеология фронти ходимларидир.

Биз «Миконд» заводи, Собир Раҳимов районидаги бошқа корхоналар ва муассасалардан ибрат олиб, партия ташкилотларининг жанговарлиги кўригини ўтказишга киришдик. Унинг дастлабки натижаларидаёқ бизга олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради, деб ишонч билан айтиш имконини беради.

Мен ўз сўзимда ҳал этилиши ТошДУ партия комитетининг компетенциясидан четга чиқувчи айрим масалалар ҳақида ҳам гапириб ўтишни истардим. Аввало, бу студентларни ўқув машғулотларидан бошқа турли тадбирларга жалб этиш масаласидир. ТошДУ коммунистлари, профессор-ўқитувчилар составри, студентлари ўқиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ўқувчилар ва студентларни жалб этилишига чек қўйиш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида бир неча бор билдирилган фикрни чуқур қониқиш ва қувонч билан қабул қилдилар. Қатор йиллар мобайнида студентларни бундай тадбирларга ҳаддан зиёд кўп жалб этишар эди. Студентлар икки-икки ярим ой мобайнида пахтада ишлагач, кейин ўқув йили мобайнида кўп марта қурилиш чиқиндиларини тозалаш, зовурлар, ариқлар қазиш, стадионлардаги ўринларни тўлдириш, дағал хашак жамғариш, сабзавот теришга жалб этилишарди.

Ушбу масалага чек қўйилиши юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати оширилишига ва бу билан XIX пленумда кўтарилган вазифалар ҳал этилишига имкон бериши шубҳасиз.

243-граждан авиацияси заводининг мастери **Е. Е. Котов**нинг сўзи пленумда катта эътибор билан тингланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларида, деди у, тартибни йўлга қўйиш ва меҳнат интизомини оширишда ишни силлиқ қилиб кўрсатиш ва шовқин-сурон кўтаришдан воз кечиш тўғрисидаги масала жуда тўғри қўйилди.

Бироқ, бу муҳим жараён меҳнат коллективларининг ҳаётига ҳали ўта сусткашлик билан жорий этилмоқда. Бизнинг заводимизда меҳнат интизомининг бузилиши ҳали юқори даражалигича қолмоқда. Масалан, 1985 йилнинг 1апрелида заводимизда ходимларнинг ишга чиқиши текширилганда аниқландики, 46 киши беш минутдан 40 минутгача ишга кечикиб келган.

Фақат 1984 йилда заводимизда 1347 киши-куни йўқолди, 96 киши прогуль қилди, маъмурият рухсати билан ишга келмаслик 924 кунни ташкил этди. Бу йўқотишларнинг барчасини ишдан ташқари вақтда қоплашга тўғри келди, бу 6376 киши-соатни ташкил этди. Бундан ташқари деталлар, материаллар, хом ашё етказиб бериш юзасидан иш бир маромда бўлмагани муносабати билан ишчиларнинг бўш туриб қолиши оқибатида катта йўқотишлар мавжуддир.

Бу нуқсонларга барҳам берганимизда эди, биз меҳнат унумдорлигини анча оширган ва сифатни яхшилаган бўлур эдик. Бироқ, ишнинг шу соҳаси учун масъул бўлган раҳбарларимиз, жумладан завод директори Н. М. Захаров, директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ю. В. Финаев, ишлаб чиқариш бошлиғи А. Б. Ершов бу билан қизиқмадилар, партком секретари Б. В. Савченко бошчилигидаги партия комитети эса уларнинг фаолиятига тегишлича қатъий баҳо бермаяпти. Бундай аҳвол, мен билишимча, районимиз ва шаҳримизнинг кўпчилик корхоналарида ҳам бор. На Сергели район партия комитети, на шаҳар партия комитетининг саноат бўлими шаҳардаги энг яхши корхоналарнинг, зотан уларда ўрганадиган нарсалар бўлса-да, иш тажрибаларини умумлаштирмадилар.

Ягона сиёсий кун омма билан алоқани мустаҳкамлашнинг, республикада меҳнат коллективларида вазиятни соғломлаштириш жараёнини чуқурлаштиришнинг самарали воситаларидан биридир. Бизнинг заводимизда ишнинг бу формасини қўллаяпмиз. Бу учрашувларда завод ходимлари ишлаб чиқариш, турмуш, транспорт, телефонлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналарининг ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган кўплаб саволлар бермоқдалар, бироқ, завод ходимлари сиёсий докладчилар, партия комитети томонидан ҳам, шунингдек, район ва шаҳар партия комитетлари томонидан ҳам берилган саволларга ҳамиша ҳам жавоб олаётганлари йўқ.

Бундай сиёсий докладчиларни меҳнат коллективларига юборишдан мантиқ борми? Улар сиёсий кун ғоясининг аҳамиятини пасайтиришади-ку? Мен шаҳар партия комитети бундай сиёсий докладчиларга принципиал баҳо бериши зарур, деб ҳисоблайман.

Ўтказилаётган йирик миқёсли эксперимент шароитида кадрлар масаласининг аҳамияти ҳақида «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **В. Б. Бобоев** сўзлади. Экспериментнинг жорий этилиши олий ва ўрта бўғин ишлаб чиқариш командирларидан юксак касб тайёргарлигини, ҳаракатчанликни, мураккаб вазифаларни ҳал этиш лаёқатини талаб қилди. Бирлашмада раҳбар инженер-техник ходимларнинг аттестацияси ўтказилиши шуни кўрсатдики, раҳбарларнинг 30-35 проценти эгаллаб турган вазифасига мувофиқ эмас. Худди шу нарса бирлашмада қўл меҳнатининг улуши ғоят юқорилиги ва у 57 процентни ташкил этишининг сабабларидан бири экан. Фонд самарадорлиги йил сайин ўсмаяпти. Бу ерда ҳар йили янги жиҳозлар олинади, лекин улардан самарасиз фойдаланилади. Халқ эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазифалар бажарилмаяпти. Бугунги кунда иш ҳақининг бир сўми ҳисобига 0,26 тийинлик халқ эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқариляпти.

Ўзларига юклатилган вазифаларни уддаламаётган раҳбарларга нисбатан партиявий ва маъмурий таъсир чоралари кўриляпти. Улар квартал, йил якунлари бўйича мукофотлардан маҳрум этиляптилар. 1984 йилда ва 1985 йилнинг биринчи кварталида ишдаги турли нуқсонлари ва камчиликлари учун 30 дан зиёд киши маъмурий ва партиявий жавобгарликка, шу жумладан 12 киши партиявий жавобгарликка тортилди. Вазифасини алмаштириш ва пасайтириш практика қилиб кўриляпти. Кейинги уч йил мобайнида 12 киши вазифасидан пасайтирилди.

Бу ерда кадрлар қўнимсизлиги юқори. 1984 йилда 1732 киши ишдан бўшади, бу 12,5 процентни ташкил этади. Прогул учун ишдан бўшатилганлар сони 1983 йилдаги 46 дан 1984 йилда 78 тага ошди.

Бирлашмада кадрлар билан планли ва пухта ўйлаб иш олиб бориш, кадрларни истиқболда ўстириш назарда тутилиб, аниқ мақсадга қаратилган «Кадрлар» комплекс программаси ишлаб чиқилди ва жорий этиляпти. У 1985—1990 йилларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошира бориб, деди «Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатининг бошлиғи **Э. Р. Рустамов**, салбий ҳолларга қарши кураш, иш услуби ва методларини такомиллаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тарбиялаш бўйича муайян ишларни қилдик. Топширилган иш соҳаси учун кадрларга талабни ошира бориб, партия ташкилоти ва маъмурият ишда ўзгариш қилишни хоҳламаётган, ўз устида ишламаётган, ўзининг ғоявий-назарий ва профессионал савиясини оширмаётган, эскичасига ишлашни давом эттираётган, оқибат натижада план кўрсаткичларини бажаришга салбий таъсир кўрсатаётган раҳбарларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрмоқда.

Масалан, турар жойларни фойдаланишга топшириш бўйича 1984 йил давлат планини бажармаганлиги, ишларнинг сифати пастлиги учун 3-пардозлаш ишлари бошқармасининг бошлиғи О. Х. Ҳусанов, 21-қурилиш бошқармасининг бош инженери Полешколар қаттиқ партиявий жазо олдилар ва эгаллаб турган лавозимларидан озод этилдилар, саккиз линия инженер-техник ходимларининг лавозими пасайтирилди, 120 киши прогул қилганлиги ва меҳнат интизомини бузганлиги учун бўшатилди. Бироқ, биз топширилган иш учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳали ҳозирги куннинг барча талабларига тўла жавоб бермайди, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаб этганидек, коллективнинг ишёқмас ходимларига нисбатан кўнгилбўшлик қилмаймиз. Биз резервга номзодларни синчиклаб танлаймиз, улар билан иш олиб борамиз, ўқитамиз. Виждонан ишлашни, коллектив билан қадамба-қадам боришни хоҳламайдиганлар ўрнига муносиб кишиларни тайёрлаймиз.

Бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, биз афсуски, икки йил сурункасига турар жойларни фойдаланишга топшириш планини бажармадик, уйлар сифати пастлиги ва нуқсонлари билан топширилганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳаққоний равишда танқид қилиндик.

Бугун пленумга шуни айтиш мен учун ёқимлики, қабул қилинган тадбирлар туфайли турар жойларни фойдаланишга топшириш бўйича биринчи квартал плани ошириб бажарилди. 80 минг квадрат метрга яқин турар жой фойдаланишга топширилди. Уйларимиз анча яхши ва сифатли кўринадиган бўлиб қолди, ўртача баҳо ошди, қабул комиссияси давлат актини имзолайдиган куни квартиралар янги кўчиб келганларни қабул қилишга тайёр бўлмоқда, чала ишларни ниҳоясига етказишга эҳтиёж қолмаяпти. Бу уйлар ишлаб турган инженерлик ускуналарининг тўла комплекси билан биргаликда топширилляпти.

Истиқбол ҳақида ўйлаганда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва капитал қурилиш Бош бошқармаси ходимлари шаънига бизнинг асосий буюртмачимиз сифатида бир қатор танқидий мулоҳазалар айтишни истардим. Ҳозирги вақтда биз аввалгидек қурилишлар учун ер майдони жиддий етишмовчилигини ҳис этяпмиз, бизга ишчи чизмалари ўз вақтида берилмаётир, бу эса 26, 31, 2-бош пудратчи қурилиш бошқармалари қўлини боғлаб қўйяпти, монтажчилар иш унумини пасайтириб юбормоқда, йиғма-темир бетонларни ташишни қисқартирмоқда. Бу эса ўз навбатида заводларнинг тўхтаб қолишига, омборхоналарда тайёр маҳсулотларнинг қалашиб кетишига олиб келмоқда. Шаҳар Совети ижроия комитети ва унинг капитал қурилиш Бош бошқармасидаги раҳбар ўртоқлар, наҳотки, сизларга шу нарса равшан эмаски, бу ёки бошқа масалани ҳал этишда сусткашлик қилиш комбинатимиз учун фақат бир куннинг ўзида шаҳар меҳнаткашлари учун 1400 квадрат метр ҳажмдаги турар жойни йўқотишга олиб келади-ку. Биз сизларнинг ёрдамингизда Тошкентни икки йиллик истиқболли планлаштиришга қачон ўтамиз, ахир?

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ **БУДАПЕШТ.** Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 40 йиллиги байрами арафасида Будапештда қурилиш саноати меҳнаткашлари учун янги катта даволаш-профилактика маркази очилди. Ундаги кабинетлар барча турдаги медицина ёрдами кўрсатиш, касалликдан ёки шикастланишдан кейин меҳнат қобилиятини тиклаш имконини беради. Медицина марказини жиҳозлашда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ихтисослашаётган Венгриянинг «Медикор» саноат бирлашмаси тайёрлаб чиқарган замонавий аппаратлардан кенг фойдаланилди.

◆ **МАДРИД.** Испаниянинг Канар оролларидаги Пуэрто-Дель-Росарио шаҳрида тинчлик ва қуролсизланиш учун ҳаракат кунлари бошланди. Бу кунлар Канар оролларини демилитарлаштириш, Испаниянинг НАТОда қатнашишига қаршилик кўрсатиш шиорлари остида ўтказилмоқда. Ҳаракат кунлари программасида митинглар, намойишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади. Бу тадбирларда Испаниянинг бошқа шаҳарларидаги тинчлик тарафдорлари, чет эллик меҳмонлар ҳам қатнашадилар.

◆ **АФИНА.** Грециядаги энг йирик порт—Пирея меҳнаткашлари хўжайинларнинг маҳаллий кемасозлик корхоналарини ёпиб қўйиш ва беш мингга яқин кишини ишдан бўшатиш ниятига қарши касаба союзларининг даъвати билан икки соатлик норозилик умумий забастовкаси ўтказдилар. Иш ташловчилар ҳукуматни кемасозлик корхоналарини национализация қилишга даъват этдилар.

АРГЕНТИНА КОММУНИСТЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина Коммунистик партияси ташкил этилгандан буён ўтган 67 йил мобайнида биринчи марта АКП ўз программасини ва коммунистлар олдида турган вазифаларни радио орқали мамлакат аҳолисига тушунтириб бериш ҳуқуқини олди.

АКП бош секретари Атос Фава «Эксельсиор» радиостанциясининг каналлари орқали халққа қилган биринчи мурожаатида партиянинг фаолияти мамлакатда демократияни мустаҳкамлашга, социал адолат ҳамда миллий озодлик учун курашда ишчилар синфи билан халқ оммасини жипслаштиришга кўмаклашиши лозим эканлигини уқтириб ўтди.

ЖАР ЗАМБИЯГА ҚАРШИ АГРЕССИЯГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

ЛОНДОН. Ирқчи Жанубий Африка Республикаси мустақил Замбияга қарши қуролли интервенцияга ҳозирлик кўрмоқда. Республика президенти Кеннет Каунда Англиянинг «Обсервер» газетаси мухбири билан суҳбатда шуни маълум қилди. Претория, деди у, Жанубий Африка ватанпарварларининг шафқатсиз апартеид системасига қарши олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлаётган л и г имиз учун бизга қуролли бостириб кириш билан хавф солмоқда.

Претория режимини яккалаб қўймасдан туриб Африка жанубида туб ўзгартишларга эришиб бўлмайди, деди К. Каунда. Бунинг учун биринчи навбатда апартеид давлатини иқтисодий жиҳатдан таъсирчан қамал қилиш зарур.

ИСРОИЛ БОСҚИНЧИЛАРИГА ЗАРБА БЕРИЛМОҚДА

БАЙРУТ, 8 апрель. Ливаннинг жанубида ҳаракат қилаётган мамлакат ватанпарварлари Исроил босқинчиларига кетма-кет зарба бердилар. Партизанлар Набатия шаҳри яқинида ва Тир шаҳрида босқинчиларнинг механизациялашган соқчиларига, Рихан-Арамта йўлида эса Исроил ҳарбий автомашиналари колоннасига ҳужум қилдилар. Касмия кўприги яқинида ва Жуая аҳоли пункти районида интервенциячиларнинг мустаҳкамланган постларига зарба берилди. Агрессор аскарлари ва техникасидан талофот кўрди.

Мамлакатнинг бошқа қисмларида ҳам кескинлик сақланиб қолмоқда.

СУДАНДАГИ АҲВОЛ

● ҚОҲИРА, 7 апрель. МЕНА агентлиги Суданда ҳокимиятни ўз қўлига олган мамлакат бош ҳарбий қўмондонлигининг баёнотини тарқатди.

Баёнотда Судан икки томонлама, регионал ва халқаро партияларга, шартномалар ҳамда битимларга, БМТ Устави моддаларига, айниқса давлатлар суверенитетига, уларнинг ички ишларига аралашмасликка ҳамда можароларни тинч воситалар билан ҳал этишга тааллуқли моддаларига содиқ эканлиги таъкидланади.

Судан ўзининг қўшилмаслик принципларига ҳамда ҳарбий блоклар ва гуруҳларда иштирок этишдан воз кечиш принципларига содиқ бўлиб қолаётганлигини тасдиқлайди, дейилади баёнотда.

Ҳужжатда Судан араб мамлакатлари иттифоқи ва Африка Бирлиги Ташкилоти уставларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажаришга интилаётганлиги, фаластинлик араб халқини қатъиян қўллаб-қувватлаши ҳамда унинг даҳлсиз ҳуқуқларини, шу жумладан ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқини таъминлашга ёрдам бериши айтилади.

Хартумдан олинган хабарларга кўра Судандаги вазият тобора нормаллашиб бормоқда.

БОЗОР КИМНИНГ ИЗМИДА?

ТОШКЕНТНИНГ «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ ВА ШАҲАР БХСС БОШҚАРМАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида тўла ҳал этилиши лозим бўлган бошқа долзарб масалалар қаторида аҳолига савдо хизматини яхшилаш масаласи ҳам кўрилди. Савдо соҳасида харидорларнинг эҳтиёжи катта бўлган маҳсулотларни яширин қўйишга қарши, чайқовчиликка, чойчақа йиғиш, тарозидан, қайтимдан уриб қолиш, харидор ва мижозларни алдашга қарши кураш ҳаддан ташқари юзаки олиб борилаётгани таъкидланди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси шаҳар УБХСС ходимлари билан биргаликда ўтказган рейд кўрсатдики, бу нуқсонлар шаҳар аҳолисини сабзавот ва мевалар билан таъминлашда ҳам кўплаб содир бўлмоқда. Ғалати манзара: бозор пештахталарида кўм-кўк баҳор сабзавоти, мевалари қалашиб ётибди, магазин пештахталарида эса харидорга чириган ва ҳеч кимга кераги йўқ сабзавот ва мевалар тавсия этилмоқда. Нега шундай ва бунга айбдорлар кимлар? Ушбу саволга жавоб топиш учун рейд иштирокчилари шаҳримиздаги бир неча бозор ва сабзавот ҳамда мева дўконларида бўлишди.

ОЛОЙ БОЗОРИ: БИР ЖОЙДА ҚАЛАШИБ ЕТАР, БИР ЖОЙДА ТАЛАШИБ

Олой бозори (директори С. Ҳолмуҳамедов) — шаҳримиздаги энг гавжум савдо маскани. Бу ерда кўплаб савдо расталари жойлашган. Рақамларга мурожаат қиламиз: йилига бу ерда бозор баҳосида 60 минг тоннага яқин маҳсулот сотилади. Мана буниси эса сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи колхоз дўконларига тегишли рақамлар: йилига бор-йўғи 350 тонна маҳсулот сотилади. Бу бозорчилар сотаётган маҳсулотнинг атиги ярим процентидан ҳам камдир.

Хушбўй ҳиди анқиб турган кўкатлар расталарини оралаб биз колхоз дўконлари ёнига борамиз. «Ташплодоовошч» ва «Горкоопторг» магазинлари қатори ушбу дўкончалар ҳам қоғозда эмас, балки амалда бозор нархларининг арзонлашишига таъсир кўрсатмоғи лозим. Бироқ ҳозирги аҳволда давлат ва кооператив савдосининг бозор баҳосига таъсири ҳақида гапиришнинг ўзи кулгили бир ҳолдир. Мана Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг дўкони. Бу ерда ўрик қоқисининг бир килоси 50 тийиндан сотилмоқда. Унинг қаршисида эса бозорчи ўрик қоқисининг килосини 3 сўмдан сотмоқда. Олти баробар қимматига! Хўш, харидор-чи?

— Килосини 3 сўмдан сотиб олганим яхшироқ,—дейди пенсионер В. Самохвалова.— Нима кераги бор бекор шамолга пул сочиб...

Бизнинг справка: ушбу дўкон 1-кварталда 7 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиши керак. Бироқ — 0 тонна сотилган. Ҳа, айнан шунча.

Унинг ёнида «Октябрь» колхозининг дўкони жойлашган. Бунисининг плани **яна ҳам «ихчамроқ» — бор-йўғи 5 тонна. Ўтган уч ойда эса ярим тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилган.**

Кейингиларига ўтамиз. Оржоникидзе районининг «Коммунист» колхози дўкони. Бор-йўғи ягона маҳсулот — сарғайган петрушканинг килограмми бир ярим сўмдан сотилмоқда. **Пландаги 10 тонна ўрнига бу ерда беш баравар кам маҳсулот сотилганига ҳайрон бўлмай иложингиз йўқ.**

Ана энди бирорта завод ўз планини 0 процентга ёки бор-йўғи 20 процентга бажарди, дейлик. Бу мисли кўрилмаган фавқулодда ҳодиса деб қабул қилинган бўларди. Завод ва фабрика меҳнаткашларини колхоз дўконлари атиги 0 ёки 20 процентгина сабзавот билан таъминлаётгани эса ҳеч кимни ажаблантирмаяпти. Бунга ҳамма кўникиб қолган. Кўнгилдагидек сабзавот маҳсулотлари харид қилмоқчи бўлсанг олти баравар баҳосини тўласанг бўлди — бутун бозор сенинг хизматингда.

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг дўкончаси қиш бўйи ёпиқ турди. Бизнинг рейдимиз пайтида ҳам у ёпиқ эди.

Тошкент область Оржоникидзе райони раҳбарларига тўғридан-тўғри бир савол бериш ўринлидир: нима учун махсус шартномалар билан келишилган арзимаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ҳам етказиб бера олмаяпсиз? Ушбу дўкон харидорларини қачонгача сабзавот ва мевалар ўрнига қуруқ ваъдалар билан сийлайсиз?».

Бироқ бозорда қиммат баҳога маҳсулот харид қилгиси келмаган харидор «Ташплодоовошч» магазинларига ва унинг районларидаги улгуржи чакана савдо идораларига мурожаат қилишлари мумкин. Биз шундай қилдик ҳам. Мана, «Ташплодоовошч»га қарашли 1-хўжалик ҳисобидаги магазин. Рейд қатнашчиларини кўрибоқ магазин ходимлари савдо залидан чириган ва кўкариб кетган пиёзни ташишга тушишди. Магазин директори Г. А. Чачанидзе эса савдода ҳеч қандай пиёз бўлмаганлигини айтиб қасам ичишга тушди. Пиёз олиб келишларини кутяпмиз, эмиш. Чириган пиёзни ходими савдо залидан олиб чиқиб кетишга уринаётганида фотомухбиримиз суратга олишга улгурганидан эса хабари йўқ.

Шундан сўнг директорнинг гапларига ишонгимиз келмай қолди. Магазин коллективи харидорларга ғамхўрлиги, ёрдамчи хоналарда ҳеч қандай маҳсулот йўқ деб зўр бериб уқтиришларига ҳам ишониб бўлмасди. Магазиннинг кенг омборхоналарига кирамиз. Манзарани тасвирлашга тил ожиз. Мана, 220 килограмм майиз. У магазинга ўтган йилнинг охирида олиб келинган, аммо шундай ҳолатдаки ҳар қандай жасур харидор ҳам уни татиб кўришдан чўчийди: майизнинг бари чириб тугаган. 1983 йилда келтирилган бошқа майизнинг ҳам тақдири унга туташ.

Кўрилган зиён ҳажми юзлаб сўмга тенг. Бироқ бу ҳеч кимни ташвишлантираётгани йўқ: ахир пуллар давлатники-да! Буни қарангки савдода йўқ 43 банка камёб узум барглари эса омборнинг энг қоронғу бурчагига эҳтиёт қилиб териб қўйилган.

Совет савдоси қонунларининг бундай қўпол равишда бузилганлигини қоғозга қайд қилиб, газета орқали «Ташплодоовошч» раҳбарларига маълум қилиш мумкин эди. Биз ҳозир шундай қиляпмиз ҳам. Аммо бунгача «Ташплодоовошч» вакилини магазинга чақирдик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини магазинларга жўнатишга мутасадди —экономист Н. Нуриева келди. Келдию, «Ташплодоовошч»нинг 3-комбинати томонидан келтирилган 2.390 килограмм пиёз реализация учун яроқсиз деб тузилган актга қўл қўйишга мажбур бўлди. Атай шунинг учун чақирилган юк машинаси пиёзни қайтариб олиб кетди. Бунгача ҳам худди шундай ҳол рўй берган эди. Кунига «Ташплодоовошч» комбинатлари ушбу магазинга тонналаб яроқсиз маҳсулот олиб келиб, кейин эса қайта ташиб кетишади. Хўш, пиёзни кейин нима қилишади? Халқ мулкини ана шундай уялмай-нетмай сурбетларча нес-нобуд қилаётганларга нисбатан қандай чора кўриларкин?

Ушбу саволга биз Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлигидан жавоб кутамиз.

Ҳозир эса Олой бозори пештахталари қаршисида туриб яна бир асосий саволни ўртага ташлаймиз: нима учун бозорда нарх-наво бунчалик қиммат? Чунки ҳалигача республика партия ва давлат органлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилинганига қарамай юқорида номлари келтирилган «Ташплодоовошч»да ҳам, Тошкент областининг хўжаликларида ҳам етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифатига умуман қўл силтаб қўя қолишдек мавжуд ярамас иш практикаси ҳамон ҳукм суриб келмоқда.

Эҳтимол ўз чўнтаги пайида бўлган бозорчигина маҳсулотини сифатли қилиб сақлашга уринар? Йўқ. Олой бозорига кираверишда жойлашган «Ташкоопторг»нинг сабзавот магазинига кирамиз. Бу ерда редиска, бодринг, лимон, турп ва ҳатто шолғомгача бор. Мана картошка ҳам олиб келишди. Магазин ходимлари тушлик бўлишига қарамасдан зудлик билан уни саралай бошлашди. Тез орада у савдога чиқарилади. Бироқ нима учун бу ерда ҳам одам кам? Нима учун одамлар фақат картошка харид қилиб табиатнинг бошқа неъматларига қиё боқмай чиқиб кетишмоқда? Чунки кооператив баҳоси бозор нархидан бор-йўғи атиги 10—20 тийин арзон, холос.

Магазин витринасида қайси ташкилот — Ташплодоовошч»ми ёки «Ташкоопторг» кўрсатилганини ажратиб олиш учун уларнинг вақтлари йўқ. Улар билишади: магазинда 1 сўмга истеъмолга яроқсиз мева сотиб олиш, 50 тийинга эса сабзавот ва мева харид қилиш мумкин. Бироқ кооператив магазинларидаги маҳсулотларнинг сифати бозордагиларга яқин. Ҳаммаси эмас, албатта. Бироқ кўпчилиги шундай. Агар кооператив савдодаги баҳолар бироз пасайса, айни шу кооторгларда хусусий маҳсулот эгаси билан беллашиб, бозордаги нархни туширши мумкин.

Ҳозирча эса «Ташплодоовошч» магазинлари харидорларга ярми чириган пиёз, қуриб қолган саримсоқ ва фақат гербарий қилишга ярайдиган петрушка, бошқа ошкўкларни тавсия этмоқда. Бозордаги нарх-наво эса ҳамон ўша-ўша — харидор бир кило ўрик қоқиси ва бодрингни 3 сўмга, бир боғлом редискани эса 30—50 тийинга харид қилмоқда.





3. **Танишиб қўйинглар: чимкентлик олибсотар ва чайқовчилар — эр-хотин Қорчиевлар; 4. 26-гастроном олдида сабзавот ва мевалар мана шундай сотилмоқда. Буниси эса — гастрономнинг ўзида.**

Т. Каримов фотолари



шу маҳсулотларнинг салати билан бир сийланса хўп ажойиб иш бўларди-да. Бироқ улар ҳам бундай салатни индамай олиб кетадиган анойилардан эмас: улар тилларини узун қилиб сифатсиз сабзавот ва меваларни олиб, ундан кейин уларни қайтариб ташиб юришдан нима фойда, дейишади.

«Ташплодоовошч» ва савдо Бош бошқармаси раҳбарларига берадиган саволимиз ҳам худди шундай. Ростдан ҳам нима учун ОРКнинг деярли барча магазинларига ана шундай сифатсиз маҳсулотлар юборилади? «Ташплодоовошч»да ҳукм суриб келаётган бундай нохуш аҳвол қачон барҳам топади?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми савдо соҳасидаги бундай нуқсонларни кескин қоралади. Наҳотки сафларида икки юзга яқин коммунист бўлган «Ташплодоовошч»нинг партия ташкилоти пленум қарорларидан ҳалигача тегишли хулосалар чиқариб олмаган бўлса? Район улгуржи-чакана савдо идоралари раҳбарлари ва партия ташкилотлари қаёққа қарашмоқда? Қачонгача улар магазинларга сифатсиз маҳсулотлар юборилиши билан мурosa қиладилар, қачонгача чайқовчилар, олибсотарлар бозордаги нархнавони кўтариб, шаҳар меҳнаткашларининг ҳалол топган пулини чўнтакларига уришига йўл очиб берадилар?

Бозордаги нархни тартибга солувчи ҳужжат йўқ. Бинобарин, бу ерда ҳамма гап сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзига хос келишувчиликка ташлаб қўйилган бир пайтда бу ҳақда гап бўлиши мумкинми, ахир? Бироқ бозорга маҳсулотлар олиб келганлар билан тушунтириш ишлари олиб бормаса, чайқовчи ва олибсотарлар билан курашмайдиган бўлса бозорларнинг жамоатчилик Советлари нима учун тузилган?

ОКТЯБРЬ БОЗОРИ: СОТАРЛАР

Рейд қатнашчиларини қизиқтирган масаланинг яна бир томони — чайқовчи ва олибсотарларнинг қаллобликлари эди. Биз Октябрь бозорига келганимизда (директори Р. Муродхонов) район ички ишлар бўлими ОБХСС ходимлари эр-хотин М. ва Т. Қорчиевларни қизғин «фаолият» устида қўлга туширишган экан. Куппа-кундуз куни улар виждонини ютиб колхозчилардан 290 боғ редиска, 55 боғ пиёз, 23 боғ петрушка ва 20 боғ укроп, шунингдек, давлат савдосидан эса 10 килограмм бодрингни сотиб олиб туришган экан. Улар бундан ҳам кўпроқ маҳсулотни қўлга киритган бўлишардию, бироқ уларнинг машинаси ҳозирча «Волга» эмас, балки давлат номери Б 0054 ЧМ бўлган «Жигули»-да! Ҳа, Чимкентдан ташриф буюришибдими, демак Октябрь бозори чайқовчи ва олибсотарларнинг «меҳри» тушган жойга ўхшайди. Бу ерга фақат Чимкентдангина эмас, балки бошқа жойлардан ҳам ҳамёнини қаппайтиргани келувчилар кўп. Қўқонлик М. Турдалиев (шу ерда яшайди), Қўқон — Сирдарё (бу ердан маҳсулот сотиб олади) — Тошкентнинг Октябрь бозори (бу ерда чайқовчилик қилади) маршрутлари бўйлаб зир югуради. Колхозчилардан бир килограммини 1 сўму 90 тийиндан олиб, 2 сўм 50 тийиндан 600 килограмм мош сотаётганида Октябрь район ОБХСС ходимлари томонидан қўлга тушди. Шундай қилиб, ҳар бир килограмм мошдан унга 60 тийин соф фойда қолар, 600 килограммдан эса у 360 сўм фойда қилиши керак эди. Яъни бир ҳалол ишчининг икки ойлик иш ҳақи.

Ҳозир кўнгилчанликнинг пайти эмас. Ҳамма нарсани ўз оти билан айтамиз. Октябрь бозорида нафақат чайқовчилар, балки ўғрилар ҳам қўлга олинди. Т. Рамазонова бу ерда ёнгинасидаги «Ташплодоовошч» магазинларидан кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган сархил бодрингларни 2 сўм 50 тийиндан сотаётган эди. Маълум бўлишича, ушбу бодрингларни етказиб бериб турувчи унинг қизи Саибоҳат Рамазонова бўлиб, у давлат парнигида ишлар экан. Буни қарангки, ҳатто илмий текшириш институти ҳам Октябрь район чайқовчилари учун «ишлар» экан. Қаранг-а, бу ерда ишлар нечоғлик кенг йўлга қўйилган.

Бундай аҳвол мана шу тарзда узоқ давом этармикан? Ушбу саволни биз Октябрь бозори раҳбарлари ва жамоатчилик Советига, шунингдек Октябрь район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими раҳбарларига ҳавола этамиз.

САБЗАВОТ БЎЛИМИДА... СОВУНЛАР

Октябрь улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли (ОРК директори Н. Г. Давидова, партия ташкилотининг секретари А. Азизов) 8-магазин филиали тушликка соат 15 гача эмас, балки 17 гача... чиқиб кетган экан. Ниҳоят, сотувчини қидириб топиш, харидорлар сафини ёриб ўтиб, уни ўз иш жойига олиб кириб қўйишга тўғри келди.

— Мен ҳали тушлик қилганим йўқ, — деди сотувчи, — пиёз қабул қилиб олдим. Бироқ қабул қилиб олинган пиёз савдо залида эмас, ёрдамчи хонада эди. Савдо залида эса чириган пиёз тўла яшиклар қатор териб қўйилган эди. Уларга бехосдан қўл тегса унинг димоқни ёрадиган ҳидига асло тоқат қилиб бўлмайди.

— Омборда шундай сархил пиёз босилиб турганида сиз нега чириган маҳсулотни сотяпсиз? — дейишди унга рейд қатнашчилари.

— Нима қипти, — дейилди жавобда. — Уни ҳам олишади. Уруғ учун олишади. Ҳаммасидан қизиғи 26-гастрономда рўй берди. Бу ерда сабзавот ва мевалар павильонида вино, сигарет ва совун сотилмоқда эди. Магазин раҳбарларини ана шу ерда учратдик. Улар ҳам ўзларини оқлашга тушишди.

— Ҳозир ҳамма нарсани ўзимиз сотяпмиз, — дейишди улар. — Ҳеч кимни ташвишлантираётгани йўқ: ахир пуллар давлатники-да!

Ҳа, ҳозирча пуллар давлатники-да! Буни қарангки, савдода йўқ 43 банка камёб узум барглари эса омборнинг энг қоронғу бурчагига эҳтиёт қилиб териб қўйилган.

Совет савдоси қонунларининг бундай қўпол равишда бузилганлигини қоғозга қайд қилиб, газета орқали «Ташплодоовошч» раҳбарларига маълум қилиш мумкин эди. Биз ҳозир шундай қиляпмиз ҳам. Аммо бунгача «Ташплодоовошч» вакилини магазинга чақирдик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини магазинларга жўнатишга мутасадди —экономист Н. Нуриева келди. Келдию, «Ташплодоовошч»нинг 3-комбинати томонидан келтирилган 2.390 килограмм пиёз реализация учун яроқсиз деб тузилган актга қўл қўйишга мажбур бўлди. Атай шунинг учун чақирилган юк машинаси пиёзни қайтариб олиб кетди. Бунгача ҳам худди шундай ҳол рўй берган эди. Кунига «Ташплодоовошч» комбинатлари ушбу магазинга тонналаб яроқсиз маҳсулот олиб келиб, кейин эса қайта ташиб кетишади. Хўш, пиёзни кейин нима қилишади? Халқ мулкини ана шундай уялмай-нетмай сурбетларча нес-нобуд қилаётганларга нисбатан қандай чора кўриларкин?

Ушбу саволга биз Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлигидан жавоб кутамиз.

Ҳозир эса Олой бозори пештахталари қаршисида туриб яна бир асосий саволни ўртага ташлаймиз: нима учун бозорда нарх-наво бунчалик қиммат? Чунки ҳалигача республика партия ва давлат органлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилинганига қарамай юқорида номлари келтирилган «Ташплодоовошч»да ҳам, Тошкент областининг хўжаликларида ҳам етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифатига умуман қўл силтаб қўя қолишдек мавжуд ярамас иш практикаси ҳамон ҳукм суриб келмоқда.

Эҳтимол ўз чўнтаги пайида бўлган бозорчигина маҳсулотини сифатли қилиб сақлашга уринар? Йўқ. Олой бозорига кираверишда жойлашган «Ташкоопторг»нинг сабзавот магазинига кирамиз. Бу ерда редиска, бодринг, лимон, турп ва ҳатто шолғомгача бор. Мана картошка ҳам олиб келишди. Магазин ходимлари тушлик бўлишига қарамасдан зудлик билан уни саралай бошлашди. Тез орада у савдога чиқарилади. Бироқ нима учун бу ерда ҳам одам кам? Нима учун одамлар фақат картошка харид қилиб табиатнинг бошқа неъматларига қиё боқмай чиқиб кетишмоқда? Чунки кооператив баҳоси бозор нархидан бор-йўғи атиги 10—20 тийин арзон, холос.

Магазин витринасида қайси ташкилот — Ташплодоовошч»ми ёки «Ташкоопторг» кўрсатилганини ажратиб олиш учун уларнинг вақтлари йўқ. Улар билишади: магазинда 1 сўмга истеъмолга яроқсиз мева сотиб олиш, 50 тийинга эса сабзавот ва мева харид қилиш мумкин. Бироқ кооператив магазинларидаги маҳсулотларнинг сифати бозордагиларга яқин. Ҳаммаси эмас, албатта. Бироқ кўпчилиги шундай. Агар кооператив савдодаги баҳолар бироз пасайса, айни шу кооторгларда хусусий маҳсулот эгаси билан беллашиб, бозордаги нархни туширши мумкин.

Ҳозирча эса «Ташплодоовошч» магазинлари харидорларга ярми чириган пиёз, қуриб қолган саримсоқ ва фақат гербарий қилишга ярайдиган петрушка, бошқа ошкўкларни тавсия этмоқда. Бозордаги нарх-наво эса ҳамон ўша-ўша — харидор бир кило ўрик қоқиси ва бодрингни 3 сўмга, бир боғлом редискани эса 30—50 тийинга харид қилмоқда.

ЧАЙҚОВЧИ ВА ОЛИБСОТАРЛАР

РЕДАКЦИЯДАН: Тошкентнинг «Оқшом» газеталари колхоз бозорларидаги нарх-наво қимматлиги, «Ташплодоовошч», улгуржи-чакана савдо идораларининг ёмон ишлаётганлиги мавзуига бир неча бор эътиборни қаратган эди. «Бозорда нега қиммат?», «Бозордаги олибсотарлар», «Фойда операцияси ёки ноқонуний «сафарга» чиққан маҳсулотлар», «Чайқовчиларга йўл берк» каби рейд материаллари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бироқ, аҳвол ҳамон ўзгармаяпти.

Буларнинг ҳаммасига фақат юқорида айтилган ташкилотлар ва энг аввало «Ташплодоовошч»да давлат ва меҳнат интизоми заруг даражага кўтарилганида, бу ташкилот фаолияти ва унинг улгуржи-чакана савдо идоралари фаолияти Мевасабзавот хўжалиги министрлиги ва маҳаллий Советлар ижроия комитетлари томонидан қоғозда эмас амалда назорат қилиб борилганидагина эришиш мумкин.

«Ташплодоовошч» (партком секретари М. А. Кривояк), улгуржи-чакана савдо конторалари партия ташкилотлари партия кўрсатмаларини топширилган иш учун талабчанлик ва масъулиятни кучайтириш бўйича партия йўлини тўғридан-тўғри келгуси фаолиятларига асосий дастуриламал деб билишлари, ниҳоят, қиш уйқусидан уйғониб маъмурият фаолияти устидан назорат ўрнатишдек ўз ҳуқуқларини тўла амалга оширмоқлари лозим.

Чайқовчилар измида юрмай қадимдан ўз тўкинлиги билан шуҳрат қозонган бозорларимизда тартиб ўрнатишнинг аллақачон пайти келди! «Ташплодоовошч» системасида ишларни тартибга келтириш, қўли эгри, виждони қийналмай одамларга тоннаб чиригаи ва сифатсиз маҳсулотларни — давлат мулкини етказиб бераётган шахслардан қутулиш пайти келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари, область партия комитетининг VIII ва шаҳар партия комитетининг X пленумлари масалага айнан шундай ёндошиш кераклигини талаб этмоқда. «Ташплодоовошч», савдо Бош бошқармасининг бозорлар бошқармаси раҳбарлари бу қарорларни тез ва тўла равишда ҳаётга тадбиқ этишга шахсан жавобгардирлар.

Б. ТСИХАСИЕВ,
А. ДЕНИСОВ,
Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси БХСС бошқармаси ходимлари.
М. ЮСУПОВ,
Ю. КАЗАЧЕНКО,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг махсус мухбирлари.





СУРАТЛАРДА: 1. «Ташплодоовошч»нинг 1-магазин мудири пештахтада чириган маҳсулот анчадан бери йўқ деб ишонтиришга уринаётган бир пайтда қадоқловчи Б. Безругало «йўқ» пиёзни витринадан секин олиб кетиш пайида; 2. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Олой бозоридаги дўкони уч ойдан бери мана шундай «ишламоқда».



Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
9 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
Р. АКОПЯН
ИШТИРОКИДА
ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММАЛИ
«ЦИРК,
ЦИРК,
ЦИРК»
ТОМОШАЛАРИ
ТОМОШАЛАР КЎРСАТИШ ПАЙТИДА ТОМОШАБИНЛАР УЧУН ҚАТОР ВА ЎРИН ЮТУҚЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.
Томошалар соат 19.30да, шанба кунлари эса 16.00 ва 19.00 да; якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Касса 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.
Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-31, 44-28-04, 44-35-84.

ТОШКЕНТДАГИ 9-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-86 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
8, 10 синфларни битирган ва Тошкент шаҳрида яшовчи мактаб ўқувчиларини қуйидаги ихтисослар бўйича
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ
Эркакларнинг устки кийимларини тайёрловчи ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, аёлларнинг устки кийимларини тайёрловчи ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, аёлларнинг енгил кўйлакларини тайёрловчи ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, трикотаж буюмларни тайёрловчи ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.
8-синфни битирганлар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот оладилар ва ихтисосликни эгаллайдилар, улар ўқиш даврида кийимбош ва бепул овқат билан таъминланадилар; 10 синфни битирганлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда 30 сўм стипендия оладилар.
Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган иш ҳақининг 50 процентига тўланади. Билим юртидаги ўқиш муддати меҳнат стажига киради.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат, яшаш жойидан, медицина (286-форма) справкаси, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).
Билим юртида «Ихтисоси бўйича энг илғор» конкурсларини ўтказиш анъанага айланган, бу ерда «Қизил чиннигул» комсомол-ёшлар клуби ташкил қилинган, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида машғулотлар мунтазам ўтказиб турилади.
Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар педагогик советнинг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга кириш учун тавсия этилади.
Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 9, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар; 3, 40, 45, 50, 54, 57, 59, 77, 80, 82-автобусларнинг «Театральний» бекати), Телефонлар: 55-42-59, 55-39-83.

театр
НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/IV да Майсаранинг иши, 10/IV да Севги тумори, 11/IV да Тўмарис.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да Бой ила хизматчи, 10/IV да Олтин девор, 11/IV да Йлдузли тунлар.

ЦИРК
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 9/IV дан бошлаб Тошкентда биринчи марта Р. Акопян иштирокида «ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК!» программаси (19.30).

КИНО
10, 11 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ҚАДРДОН УМРАО» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-44).
«ЯРАМАСНИНГ ЎЛИМИ» — Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).
«ТУТСИ» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Ватан (тоқ соатларда), Қозоғистон (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).
«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).
«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — Восток (13.30, 16, 18.30, 21.00).
«СПАРТАК» — Лисунов номли (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02), ВЛКСМ 30 йиллиги (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).
«МЕН ҚЎРҚАМАН» — Фестиваль (11, 14, 17, 19.30; телефон 32-78-02).
«ОВСАР», «ОВСАР ИНСПЕКТОР» — Ҳамза номли (11, 14.30, 18.00, 21.00; телефон 91-10-51).
«ЖАНДАРМ ВА ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
9 АПРЕЛЬ
СОАТ 19.00 ДА
СССР Биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент)
— «РОТОР» (Волгоград)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА
ФУТБОЛ
ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган. Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

ДИҚҚАТ!
Беруний кўчасидаги сув тармоғи уланиши ҳамда ремонт-профилактика ишлари олиб борилиши муносабати билан 10 апрель соат 10 дан, 11 апрель соат 12.00 гача Октябрь районидаги Ц-26 кварталы, Уйғур кўчаси ва унинг атрофидаги кўчаларда совуқ сув босими
КАМАЙТИРИЛАДИ
«ВОДОКАНАЛ» трести.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошқарма бош терапевти И. Ф. Фатхуллаевга акаси
Носир
ФАТХУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари М. М. Йўлдошевага отаси
Маҳмуд Йўлдошевич
ЙЎЛДОШЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).
БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р —12184. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 АПРЕЛЬ
● МТ I
18.05 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви.
18.40 Скрипкачи Ш. Лакатош чалади (ВХР).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Бу заминни севмай бўладими...» Фильм-концерт премьераси.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегиясия». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-фильм — «Днепр учун жанг».
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва замон». Ю. Бондарёв.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Духовой оркестр чалади.
● МТ II
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Динамо» (Киев).
23.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Д. Жилинский.
● УзТВ I
18.15 «Полизчи хўтик». Мультфильм.
18.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Ротор» (Волгоград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.15 «Усимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликлардан ҳимоя қилиш». Ўрта Осиё Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтининг директори С. Алимуҳамедов сўзи.
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси камер оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши».
22.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.55 Янгиликлар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
9 АПРЕЛЬ, 1985 й.